ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1 июль, сешанба 1997 йил №76 (427)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

ЯНА БИР ЯРИМ МИНГ ТОННА

Мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашдек улуғвор ишга ўзининг муносиб улушини қўшишга астойдил ҳаракат қилаётган Қибрай тумани деҳқонлари куни кеча дастлабки маррани эгалладилар. Улар 5523 тонна ўрнига 5600 тоннадан зиёд бошоқли дон сотиб, давлат буюртмасини ошириб адо этдилар. Туман ғаллакорлари пойтахт вилоятида иккинчи бўлиб маррага етиб келган бўлсалар, ҳосилдорлик борасида энг юқори кўрсаткичга эришяптилар. Ҳозиргача ҳар гектар ғаллазордан саранжомлаб олинаётган дон 42 центнерни ташкил этяпти.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЯНГИ АСАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Навоий вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган йиғилиши бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимликлари, уларнинг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари, турли ташкилот ва муассасалар, саноат корхоналари раҳбарлари, олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, журналистлар қатнашди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, ҳуқуқшунос олим А. Саидов, журналистларН. Жўраев, Қ. Аъзамов ва бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг янги китобида ҳозирги замон халқаро ва минтақавий муаммолари ҳамда мамлакатимиз тараққиёти босқичлари чуқур таҳлил этилганлиги, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, бозор муносабатларини шакллантириш йуллари белгилаб берилганини таъкидладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров сўзга чиқди.

(ЎзА).

ФАРҒОНАЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Мамлакатимиз ғалла мустақиллигига муносиб ҳисса қўшиш ниятида 92 минг гектар майдонда мўл ҳосил етиштирган Фарғона вилояти деҳқонлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Қилинган фидокорона меҳнат самарасини кўрсатди. Биринчи довон забт этилишида Бешариқ, Қува, Боғдод, Фурқат, Олтиариқ, Учқуприк туманлари дала фидойилари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бу йил вилоятда ғалла ўрим-йиғимига пухта ҳозирлик билан киришилди. Донни нобудсиз ўриб олиш чора-тадбирлари кўрилди. Комбайнлар ғаллазорларда юксак унум билан ишлатилмоқда, ўнлаб хўжаликлар, юзлаб бригадалар ва ижарачи звенолар гектаридан 50-60 центнердан дон олишга муваффақ бўлмоқдалар.

Бешариқ туманидаги «Узбекистон», «Рапқон», Қува туманидаги Раҳматов номли, «Наврўз», «Бўстон», Учқуприк туманидаги Шамсиддинов номли, Боғдод туманидаги «Боғдод», Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари аъзолари юқори ҳосил етиштирдилар. Улар давлатга ғалла сотиш режасини барвақт бажаришди.

Урим-йиғим қизғин давом этмоқда. «Фарғонадонмаҳсулотлари» ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси қабул пунктларига дон эркин нархларда сотилмоқда. Вилоят ғаллакорлари тез кунда 215 минг тонналик хирмон барпо этиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ғалладан бўшаган ерларнинг 30 минг гектарига маккажўхори, 13 минг гектарига сабзавот, 6 минг гектарига бошқа экинлар экдилар. Такрорий сабзавот экиш давом этмоқда. Миришкорлар бир йилда ердан икки-уч ҳосил олишни режалаштиришган.

2 июлда — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганига 5 йил тўлади

ФАХРИЁНА

Узбекистон Давлат гербининг яратилишида республика аҳолисининг аксарият қисми иштирок этди. Одамлар давлат гербини қандай тасаввур этишлари ҳақида Олий Мажлисга, телевидение, радио ва матбуот органларига юзлаб мактублар йўлладилар. Таклиф ва мулоҳазалар пухта ўрганилиб, атрофлича муҳокама қилинди. Шу боисдан ҳам бугун кўзимизга оловдек кўриниб, қалбларимизда ифтихор туйғуси уйғотаётган гербимизда халқимизнинг миллий руҳияти, турмуш тарзи, асрий орзу—умидлари мужассамлашган дейишга ҳақлимиз.

1992 йил 2 июлда Узбекистон Давлат герби қабул қилиниши ҳам халқимиз томонидан фахру ифтихор билан кутиб олинди.

Ҳар бир давлатнинг ўз байроғи, герби ва тимни мавжуд.

Ушбу муқаддас рамзлар давлат мустақиллигининг белгиси сифатида бениҳоя қадрлидир.

Мамлакатимиз озодликка эришгандан бери ўтган олти йил мобайнида халқимиз ҳаётида жуда кўп унутилмас воқеалар юз берди. Узбекистон байроғининг БМТ биноси олдидаги мустақил давлатлар байроқлари аллеясида муносиб ўрин олгани эса, энг ҳаяжонлисидир.

Ушанда телевидение орқали жаҳондаги энг обрули мамлакатларнинг байроқлари қаторида бизнинг жонажон байроғимиз ҳам бамисоли қафасдан озодликка чиқиб, қанотларини потирлатаётган Ҳумо қушидек ҳилпираётганини кўриб, узбекман деганнинг кўзларидан беихтиёр қувонч ёшлари сизиб чиққанлиги рост.

Пилла мавсумини якунлаб

ПИЛЛА ЕТИШТИРИШГА МАҚСАДЛИ КРЕДИТ КЕРАК

ёки соҳанинг сўнгги даврдаги муваффақиятлари ҳақида.



Узбекнинг меҳнатга, даромад кўришга бўлган муносабати бўлакча. Масалан, деҳқончилик билан шуғулланганлар йил давомида меҳнат қилиб унинг натижасини ҳосил кўтарганда кўришга кўникиб қолганлар. Деҳқончилик ўзи шунақа соҳа-да — бор куч-қувватингни, халовату сармоянгни ойлаб сарфлаб, бир марта ҳосил кўтарасан. Лекин қишлоқларда мавсумий, қисқа фурсатда натижа кўрсатадиган пиллачилик соҳаси ҳам ривожланган. Ипак қуртни бир ой мобайнида парваришлаб, республикамиз саноатига ноёб хом ашё етиштириб берастган пиллакорларимизнинг меҳнат натижалари кейинги йилларда қандай бўлмоқда, ўтган йилги етиштирилган ҳосил учун меҳнат ҳақлари пиллакорларга бериб бўлиндими?

Ана шу саволлар билан биз Республика Пилла уюшмаси раисининг ўринбосари Ҳабиб Йўлдошевга мурожаат этдик:

— Уюшмамиз таркибидаги корхоналар Фарғона водийсидаги учта вилоятдан ташқари Республикадаги бошқа вилоятлардаги пилла етиштирувчи хўжаликларга ипак қурти парваришлашда амалий ёрдам кўрсатиб, етиштирилган пиллаларни дастлабки ишлов бериш учун қабул қилиб олади. Ўтган йили бу вилоятларда пилла топшириш шартномага мувофиқ 11583 тонна белгиланган бўлса, ҳақиқатда 12120 тонна, яъни 104.6 фоизга уддаланди. Етиштирилган пилла учун меҳнат ҳақи тўлашга келсак, у бевосита хўжаликнинг ўзида амалга оширилади. Аммо шуни таъкидлашим керакки, ўтган 1996 йилда қабул қилиб олинган пилла учун Уюшма таркибидаги корхоналар пилла етиштирувчи хўжаликлар билан аллақачон ҳисоб-китобни тугаллаганлар.

— **Пиллачиликнинг суронли, тез фурсатда келиб кетадиган бу йилги мавсуми ҳам тугади. Унинг натижалари, мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун яратилган шароитлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?**

— Аввало пилла етиштирувчи хўжаликларни мавсум учун сифатли пилла қурти уруғи ҳамда зарур ашёлар билан таъминланиши ва аванс тариқасида ўтказилган маблаг ҳисобига шартномалардаги пилла қийматининг 295 млн. сўмини олдиндан ҳисоб-китоб қилиниши, қолаверса бу йилги баҳор ҳавосининг намгарчилиги пиллакорларимизга қулай келиб, шартномадаги 11074 тонна ўрнига 12390 тонна пилла етиштирдилар. Хўжаликлар пиллачиликдан қарийб 800.0 млн. сўмлик даромад кўрдилар. Бу ёмон кўрсаткич эмас.

— **Пиллачилик соҳасида бозор муносабатларига қай даражада кириб борилмоқда? Шу ўринда яна бир савол: Пиллакорлар меҳнатини ташкил этишда нималарга асосланган маъқул, деб ўйлайсиз?**

— Пиллачиликда бозор муносабатлари тамойилларининг кўпроқ ва теранроқ намоён бўлиши соҳанинг янада тараққий этишини таъминлайди. Пилла етиштиришга давлат буюртмасининг ҳамда пиллачилик маҳсулотларига чегаралангган харид нархларининг бекор қилиниши ва уларга эркин шартномавий нархларнинг белгиланиши бозор муносабатларига ўтишда дастлабки қадам бўлди.

Пилла етиштириш бўйича пиллакор ва хўжалик маъмурияти ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур шартномада пилла етиштириш миқдори ва унинг сифати билан бир қаторда, пиллакор меҳнатига ҳақ тўлаш, уни рағбатлантириш ва томонларнинг бошқа мажбурият ва ҳуқуқлари ўз аксини топиши лозим.

Кейинги йилларда пиллачиликда сезиларли муваффақиятларга эришилянти. Бунинг ўзига хос омиллари бор.

Биринчи галда халқимизнинг фидойилиги ҳамда Президентимизнинг 1996 йил 3 апреллдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йули билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1996 йилда пилла етиштиришга 200 миллион сўмлик кредит ажратилган эди. Унинг маълум миқдорини 1997 йил пилла етиштириш мавсумида фойдаланиш учун қайтариш муддатларини узайтирилиши сўнгги икки йилдаги муваффақиятларнинг омили бўлганлиги ҳам сир эмас. Ўйлашимча, пиллакорларга аванс тариқасида мақсадли кредитларнинг бериб борилиши соҳа ривожланишини бундан кейин ҳам таъминлаб бераверади.

— **Суҳбатингиз учун ташаккур.**

Суҳбатдош: Нодир АЛИМОВ

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалиги аъзолари ғалла ўрим-йиғимини жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар. Туман таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасининг ишчиси Фозилбек Жаҳсибоев (чапдаги суратда) ғаллакорларга бу борада яқиндан ёрдам бераётганлардан бири ҳисобланади. Юқоридаги суратда эса туманнинг бир гуруҳ пудратчи ғаллакорлари.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Экологик хавф — остонамизда!

2. ТОЗА СУВ — ЖОНГА ДАРМОН, ИФЛОСИ — ЁВДАЙ ЁМОН

Минтақамизда, жумладан Ўзбекистонда Оролбўйи инқирозидан ташқари яна қатор экологик муаммолар мавжудки, улар маълум даражада қуриётган денгиз таъсирида юзага келгани билан бирга бунда бошқа сабаблар ҳам борлиги аён бўлмоқда.

Ичимлик ва суғорадиган сувларнинг сифати тобора ёмонлашиб бориши билан бирга уларнинг камайиб тахчил бўлиб бораётганлиги ана шу муҳим ва долзарб муаммолардандир. Ичимлик сув ҳам, суғорадиган сув ҳам тоза бўлиши керак. Маълумки, Шарқда, бинобарин, Узбекистонда ҳам азалдан сув жуда қадрланиб, эъзозланиб келинган. Чунки, «сув бор жойда ҳаёт бор» деган ҳақиқат аждодларимиз, бобокалонларимиз турмушларида жуда кўп марта исбот этилган. Шунинг учун ҳам боболаримиз ва момоларимиз, оталаримиз ва оналаримиз ўз зурриёдларини сувга улкан муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаб келишган, уни асрашга, исроф этмасликка ўргатишган, «сувга туфлама, ахлат ташлама, сувга қараб супурма» деб тарбия беришган. «Сувга тупурма, қайтиб ичаринг бор», деган мақол бизнинг халқимиз орасида тўгилгани чуқур маънога эга.

Аҳоли нуфузининг ошиб бориши билан ичимлик сувининг тахчиллиги тобора кўпроқ сезилиб бориши оддий ҳақиқат. Лекин ичинарлиси ва ҳайрон қолдиргиси шундаки, ичимлик сув камайибгина қолмай, унинг сифати ҳам пасайиб бормоқда. Бунга ўша сув истеъмолчиси бўлган одамнинг ўзи ноқобил ва номақбул хўжалик юритиш фаолияти билан сабабчи бўлмоқда.

Биз сўзимизнинг аввалида ўтмишга, ота-боболаримиз, момоларимиз ва оналаримизнинг ишларни сувга юксак ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берганликларига бежиз мурожаат қилмадик. Афсуски, кейинги ярим аср ичида, эҳтимол, ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида умуман тарбиявий ишлар, хусусан сувга илоҳий муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш бушашиб кетганлиги оқибатида нафақат қўчалардаги ариқлар, балки катта-катта сув манбалари ҳам ифлослана бошлади. Оқибатда сув ресурсларининг тозалиги, сифат аҳволи муаммоси пайдо бўлди. Ушбу асрнинг 60-йилларидан бошлаб Марказий Осиёда янги ерларни кенг қўламда ўзлаштириш, саноатнинг, чорвачилик мажмуиларининг экстенсив (сифатга эмас, балки сонга эътибор бериб) ривожлантирилиши, шаҳарлаштирилиш (урбанизация), коллектор-дренаж тармоқларининг қурилиши ва дарёлардаги сувдан ирригация-суғориш мақсадларида кенг қўламда фойдаланилиши оқибатида дарёлар ҳавзаларидаги сувлар сифати тобора ёмонлашиб борди. Чунки назоратсизлик ёки лоқайдлик, беписандлик ёки худбинлик кайфиятлари авж олганлиги оқибатида саноат корхоналарида ишлатилган техникавий сувлар, суғоришдан сўнг далалардаги турли минерал моддаларга тўйинган оқавалар, чорвачилик мажмуиларидан ариқларга ва ундан кейин катта сув ман-

(Давоми 4-бетда)

Ғаллазор хабарлари

МУБОРАК тумани ғаллакорлари Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб маррага етди. Улар топширган дон 16 минг 940 тоннадан ошди. Деҳқонлар ялпи хирмонни 31 минг тоннага, ўртача ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

* * *

Тошкент тумани деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб ғалла топшириш давлат буюртмасини бажарди. Қабул пунктларига қарийб 4 минг 830 тонна дон етказиб берилди. Ўртача ҳосилдорлик 38 центнерга етди. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгорланиб, такрорий экинлар экилмоқда.

БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

«Тошкент» республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган савдоларда 29 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар ўзларининг 101,4 минга акцияларини 61,5 миллион сўмга сотдилар. Шу савдода энг катта самарага эришган «Жиззахпластмасс» ҳиссадор жамияти 4 минга акцияларини сотиб 16 миллион сўмлик маблагга эга бўлдилар. Шу биржа июнь ойи давомида 167,4 миллион сўмлик 323,7 минга акцияларини сотилишига эришдилар. Умуман савдолар фаоллик билан олиб борилмоқда.

***

Республика қўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимларида ўтган ҳафтада 39 маротаба савдо бўлиб ўтди. Уларнинг 23 таси кимошди, 16 таси биржа савдоларидир. Ҳафта давомида умумий бошлангич нархи 45 млн.126 минг сўмлик 399 та турли кўчмас мулклар ишбилармонлар ихтиёрига берилди. Уларнинг биржадаги сотув ҳажми 54 млн.151 минг сўмлан иборат бўлди. Мазкур ҳафтада сотув ҳажми бўйича биржанинг Сирдарё вилояти бўлими биринчи ўринни эгаллади. Ушбу бўлимда ўтган муддат давомида бошлангич нархи 11 млн.160 минг сўмлик 35 та иншоот 12 млн.842 минг сўмга сотилди. Иккинчи ўринни Самарқанд вилояти бўлими олиб, ушбу бўлимда бошлангич баҳоси 6 млн.14 минг сўмлик 56 та турли кўчмас мулклар 9 млн.142 минг сўмга сотилди. Ушбу ҳафтада РКМБда бўлган савдоларда биржанинг Навоий вилояти бўлимида «Навоийғўштсутсаноат» уюшмаси тасарруфидаги Бўрдоқичилик базаси 1 млн. 200 минг сўмга, Сурхондарё вилояти Ангор туманида жойлашган, «Ойбарчин» ошхонаси мулклари хусусий шахсга 2 млн. 422 минг сўмга, Тошкент шаҳри, Миробод туманида жойлашган 3 хонали уй 2 млн.390 минг сўмга сотилди. Бўлиб ўтган савдоларда мулкнинг бошлангич нархига нисбатан сотилиш баҳосининг усиш суръати юқорилиги Қашқадарё вилоятида кузатилди. Биржанинг ушбу филиалида мазкур ҳафтада ўсиш суръати 1,53 баробарни ташкил қилди. Усиш суръати Самарқанд вилоятида 1,52, Наманганда 1,39, Хоразмда 1,32 баробардан иборат бўлди. Бу кўрсаткич республика бўйича 1,20 баробарни ташкил этди.

Етти иқлим нафаси

Албанияда куни кеча бўлган парламентта сайловлар чоғида жиддий тартибсизликлар рўй берди. Демократик партиянинг маълумотларига қараганда, мамлакат жанубидаги сайлов ҳудудларидан бирининг раҳбари отиб ташланган. Албаниянинг ғарбий қисмида эса сайлов ҳудудларидан бирига ҳужум қилинган ва сайлов варақалари ёқиб юборилган.

***

Исроилда бир неча минг киши Бош вазир Бенямин Нетаньяху истеъфога чиқиши ва зўлдик билан сайловлар ўтказилишини талаб қилдилар. Бундай талаб эллик мингга яқин намойишчилар тўпланган норозилик тадбири чоғида илгари сурилган. Айни пайтда Хеврон шаҳрида исроиллик аскарларнинг фаластинликлар билан тўқнашувлари давом этаётир.

***

Россиянинг «Мир» самовий станциясида рўй берган кўнгилсизликдан қатъи назар фазогирлар ўзларини яхши ҳис этаётирлар. Жума куни фазовий юк кемаси уларга зарур асбоб-ускуналарни етказиб бераги. 10 июль куни шикастланган илмий модулни таъмирлаш бошланади. Мулжалдаги ишларни амалга ошириш имкони бўлмаса, фазогирлар муддатидан олдин ерга қайтиб тушадилар.

***

Конго пойтахтида қисқа танаффусдан кейин яна отишмалар бошланиб кетди. Айни пайтда мамлакатнинг ҳозирги ва собиқ Президенти тарафдорлари миллий муроса ҳукумати тузиш, шунингдек мамлакатга тинчликсеварлик кучларини киритиш масалаларида ўзаро тил топишга ўринмоқдалар.

***

Буюк Британия Молия вазирлиги мамлакат ҳукуматини «Еврофайтер» тайёрасини сотиб олмасликка чақирди. Бу янги тайёрани ишлаб чиқаришда, шунингдек, Германия, Италия ва Испания бевосита иштирок этмоқда. «Шпигель» журналида қайд этишича, бу тайёранинг электрон бошқарув тизимида жиддий нуқсон қайд этилган.

***

Туркиянинг янги Бош вазири Месуд Йилмас янги ҳукумат таркибини Президент Сулаймон Демирэлга тақдим этди. Ҳукуматдаги асосий лавозимларни янги Бош вазир раҳбарлигидаги партия аъзолари эгаллайдилар.

***

Туркманистонга қочиб ўтган афгонистонликларга халқаро Қизил хоч ташкилоти кундалик эҳтиёж моллари билан ёрдам кўрсатмоқда. Афғонистонда бўлган қуролли тўқнашувлар оқибатида Туркманистонга қочиб ўтганларнинг сони тўққиз минг атрофида эканлиги қайд этилмоқда. Уларнинг ярмидан кўпроғи очиқ ҳавода кун кечиришга мажбур бўлмоқдалар.

***

Гонконг яна Хитой тасарруфига ўтаётир. Буюк Британия тасарруфида бўлиб келган Гонконг Хитой ихтиёрига ўтиши муносабати билан тантаналар бўлди. Аксарият давлатлардан юқори лавозимли раҳбарлар иштирок этган тантаналарда Англия Бош вазири ва тахт вориси иштирок этмадилар.

***

Польшада мис эритиш корхонасининг акциялари сотилмоқда. Бу ниҳоятда йирик хусусийлаштириш тадбири сифатида баҳоланмоқда. Бу корхонанинг қиймати бир миллиард доллар экани қайд этилмоқда. Корхонанинг қирқ минг ишчи-хизматчилари акцияларнинг ўн беш фоизига эгалик қиладилар.

***

Иорданиянинг Марказий банки валюта олиб келиш ва олиб чиқиб кетишга доир барча чекловларни бекор қилди. Мамлакат ҳукумати чет эл сармояси қўплаб келиши учун шундай йўл тутаётгани қайд қилинмоқда. Бу, шунингдек, жаҳон миқёсидаги иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтиради, деб умид қилинаётир.

Жаҳон ахборот агентликларининг материаллари асосида

хабаршиг

Касаба уюшмаларида

КИМ ТЎҒАНОҚ БЎЛАЯПТИ?

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ўзлари ва фарзандларини соғломлаштириш касаба уюшмалари фаолиятида асосий ва муҳим ўрин тутади. Инсон манфаатлари йилида Самарқанд вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари ҳам бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришмоқда. Аммо иш жараёнида жиддий муаммоларга дуч келинаяпти. Чунки ҳеч бир тадбирни маблағсиз талаб даражасида амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари Самарқанд вилоят Кенгашининг раёсат мажлисида «Ургут ва Оқдарё тумани корхона ва хўжаликларида ижтимоий суғурта маблағларини ҳисоблаш, тушириш, ундан фойдаланишнинг аҳволи тўғрисида»ги ҳамда «Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотлар ва муассасаларда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси талабларига риоя қилинишига доир» масалалар муҳокама қилинди. Шу жараёнда ташкилот раҳбарлари ҳамда мутасадди ходимларнинг ўз ишларига муносабатлари ошкор бўлди.

Махсус комиссия раиси З. Маматқулова раёсат мажлисига тақдим этган маълумотномада қайд этилишича, 1996 йил ва 1997 йилнинг биринчи чорагида текшириш ўтказилганда 59 ташкилотнинг 12 тасида ҳисоб ходимларининг айби билан иш ҳақи миқдори камайтириб кўрсатилиши оқибатида қарийб 1,5 миллион сўмлик ижтимоий суғурта маблағлари кам ҳисобланган. Фақат Ургут туман халқ таълими бўлимида ижтимоий суғурта бадали 1 миллион 390,3 минг сўмга кам кўрсатилган. Бундай ҳол Ургут шаҳар шифохонаси, газлаштириш идораси, тумандаги турк лицейида ҳам мавжудлиги аниқланди. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Ургут туман қўмитаси томонидан эса давлат ижтимоий суғурта маблағлари қонун-қоидаларда кўзда тутилмаган мақсадлар учун сарфланган. Кейинчалик бу маблағ ўз жойига қайтарилган.

Умуман, қишлоқ хўжалигидаги оғир молиявий аҳвол агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма ташкилотларини қийнаб қўймоқда. Масалан, шу тармоқ Оқдарё туман қўмитасида 19 корхона ва ташкилот бўйича 1997 йил 1 январга келиб, суғуртачиларнинг қарзи ҳисобланган бадалига нисбатан 97,2 фоизни ташкил этди. Шуниси қизиқки, тумандаги пахтачилик илмий текшириш станциясининг узини доно билган баъзи бир мутассаддилари Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача қарз қолдиқларини тўлашни тўхтатиш тўғрисида»ги қарорини рўкач қилишиб, 1997 йил биринчи чорагида ижтимоий суғурта жамғармасидан қарз бўлиб қолинган 66642 сўм маблағни тўлашни асоссиз равишда кечиктиришган. Бунга ўхшаш ҳолатларга бошқа ташкилотларда ҳам дуч келингани маърузачи томонидан таъкидланди.

Вилоят кенгаши раёсатининг мажлисида яна шу нарса ҳам таъкидландики, Оқдарё ва Ургут туманларида суғуртачи ташкилотлар сони ҳақиқатда мавжуд корхоналар сонига нисбатан 600 тага яқин кам. Пенсия жамғармасидаги руйхатга таққослаш ана шундай хулосага олиб келди. Бунинг сабаби шундаки, кейинги йилларда мулк шакли ўзгарган ёки янгидан ташкил бўлган ташкилотлар, кичик корхоналар касаба уюшмалари қамровига кирмай қолган. Ҳисобкитобларга кўра, шу давр мобайнида бу корхоналарда ишловчиларнинг меҳнат ҳақи жамғармаси ҳисобидан 10,5 миллион сўм маблағ давлат ижтимоий суғурта бюджетига тушмай қолган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун сарфланадиган ижтимоий суғурта маблағларининг вақтида туширилишини корхона ва хўжалик раҳбарлари шахсан назорат қилишлари керак, деб ўйлаймиз.

Меҳнат кодекси талабларига риоя этилиши меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Таълим соҳасида ходимлар сони Самарқанд вилоятида 92012 кишини ташкил этиб, уларнинг 48208 нафари хотин-қизлардир. Ходимларнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатларини ҳимоялашни касаба уюшма қўмиталари тегишли хўжалик идоралари билан тузилган жамоа шартномалари орқали амалга оширмоқдалар. Хусусан, бу борадаги ишлар Самарқанд Давлат дорилфунуни, меъморчилик-қурилиш институти, 1-педагогика билим юрти, шаҳар халқ таълими бўлими ва яна кўпгина ташкилотларда яхши йўлга қўйилган. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан Булунғур, Сиёб, Пахтачи, Нуробод, Каттақўрғон туманларида ташкилот раҳбари ва мутассаддилари, касаба уюшма фаоллари иштирокида янги Меҳнат кодексини жорий этишга бағишлаб ўтказилган семинар-ўқувларнинг самараси ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Шуларни алоҳида таъкидлаш билан бирга вилоят Кенгаши раёсатининг мажлисида танқидий фикрларга кенг ўрин берилди. Масалан, Жомбой туман халқ таълими бўлимида меҳнат ҳуқуқини таъминлаш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Меҳнат муносабатларининг кўпгина жиҳатлари янги қодекс талаблари асосида қайта кўриб чиқилмаган. Ходимларнинг меҳнат фаолияти тегишли шакладаги варақаларда акс эттирилмаган, буйруқлар имзо орқали таништирилмаган ва ҳоказо. Ажабланарлиси шундаки, йил бошида жиддий қонунбузарликка йўл қўйилган. 1996 йил 2 декабрда амалда оммавий қисқартириш қилиниб, бунга тегишли буйруқ 1997 йил 2 январда расмийлаштирилган. Меҳнат Кодексининг бир қанча моддаларини қўпол равишда бузиш устига 1996 йил 2 декабрда қисқартиришга Жомбой туман молия бўлимининг 1996 йил 5 декабрдаги (3 кун кейинги) далолатномаси асос қилиб олинган. Бугунги кунда Жомбой туман таълим муассасаларидаги 370 нафардан зиёд ходим меҳнат дафтарчалари билан таъминланмаганлиги республика қонунларини менсимасликдан бошқа нарса эмас.

Касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг раёсат мажлисига Жомбой туман халқ таълими бўлими мудири О. Холжигитов таклиф этилган эди. Аммо у киши бу муҳокамада қатнашишни узларига эп кўрмадилар. Ёдингизда бўлса, Жомбой тумани маориф муаммоларига бағишлаб «Мактабга қайтинг, муаллим» мақоласида ҳам туман халқ таълими бўлими мудири О. Холжигитов билан учраша олмаганимизни айтган эдик. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги А. Бекмуродов бундай иш услубининг сабабларини аниқлашда бизга ёрдам берсалар яхши бўларди.

Қонуннинг меҳнат дафтарчалари билан белгиланган муддатда таъминлашга доир талаблари Булунғур, Ургут туманлари, Оқтош шаҳри халқ таълими муассасаларида ҳам етарлича бажарилмаган. Уларда 800 дан ортиқ ходимга меҳнат дафтарчаси расмийлаштирилмаган.

Ғалати ҳол шундаки, ўқитувчиларни ишга қабул қилишга доир буйруқ туман халқ таълими мудири томонидан имзоланади, меҳнат шартномаси эса ходим ва мактаб маъмурияти (директори) ўртасида тузилади. Фикримизни асослаш учун биттагина мисолга батафсил тўхталамиз. Санобар Набиевани тумандаги 54-мактабга 1996 йил 29 августдан немис тили ўқитувчиси вазифасига ишга қабул қилиш тўғрисида Ургут туман халқ таълими бўлимининг буйруғи чиқарилган ва бунга С. Набиеванинг аризаси асос қилиб олинган. Меҳнат шартномаси эса С. Набиева ҳамда 54-мактаб директори Г. Мамадаминов ўртасида тузилди. Меҳнат шартномаси муддати 1996 йил сентябридан 1997 йил 10 июнгача белгиланганлиги, синов муддати бир йил деб кўрсатилганлиги мутлақо ноқонуний. Бундан ташқари, мазкур меҳнат шартномасининг ўн битта бандига ходимга мажбуриятлар юклангану, маъмуриятнинг ҳаттоки асосий мажбуриятлари ҳам акс эттирилмаган. Худди шунингдек, Оксана Калмакова, Дилшода Муминова, Наргиза Азимова, Рамзия Дусаева, Г. Мирзақулова, Йўлдош Эшонқулов, Ражаб Йўлдошев, Абдумумин Турсунов ва яна кўплаб ўқитувчиларни ишга қабул қилишда, меҳнат шартномаси тузишда, бошқа вазифага ўтказишда, меҳнат шартномасини бекор қилишда Ургут туман халқ таълими муассасалари Меҳнат Кодекси талабларига риоя этилмаяпти.

Сиёб тумани халқ таълими бўлимида ҳам бу борада хатоликлар мавжуд. Кадрлар бўлимида меҳнат дафтарчалари рўйхатга олинмаслиги, ходимлар фаолияти тегишли варақаларда қайд этилмаслиги шулар жумласидандир. Юқорида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинар экан, касаба уюшмалари Самарқанд вилоят кенгашининг раёсати нуқсонларининг асосий сабаби халқ таълими туман бўлимларида ҳуқуқшунос йўқлигида деб ҳисоблади. Ушбу лавозимни жорий этишни ижобий ҳал этиш зарурлигини таъкидлади.

Умуман, раёсатнинг мажлисида муҳокама этилган бу икки масала Президентимизнинг Узбекистон тараққиётининг бош тамойилларидан бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қонун устиворлигини таъминлашга дахлдорлиги билан алоҳида аҳамият касб этди. Долзарб масала бўйича қабул қилинган ушбу қарорнинг амалий ижросини таъминлаш инсон манфаатлари нуқтаи назаридан янада муҳимроқдир. Бу йўлдаги ҳар қандай тўсқинликларга қатъий баҳо бериш шарт.

Р. ҚУРБОНОВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

1997 йил — инсон манфаатлари йили

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

«Жиззахтранс» бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси таркибига 24 та автокорхона ва ташкилот киради. Ана шулар билан касаба уюшма қўмитасининг жамоа шартномаси мавжуд. Унга меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ойлик маошларини бериш муддати, маиший шароитларни яхшилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш низомлари, техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича қилинадиган ишлар киритилган.

1996 йилги жамоа шартнома тадбирларининг бажарилиши текширилганда шу нарса маълум бўлдики, жойларда кунлик иш вақтининг давомийлиги корхоналарнинг ички меҳнат қоидаларига асосан амалга оширилиб, ҳафталик иш вақти 40 соатдан ошмаяпти. Айрим соатбай ишлайдиган автобус ҳайдовчиларида белгиланган нормадан иш соатлари ошгани боис уларга меҳнат қонунида кўзда тутилгани бўйича ҳақ тўланмоқда.

Автокорхоналар ихтиёридаги ёрдамчи хўжаликларда етиштирилаётган маҳсулотлар ишловчиларга бозор нархидан анча арзон баҳода сотилмоқда. 23-Жиззах автокорхонаси 1670 килограмм қишлоқ хўжалик маҳсулотини, 32-Бахмал автокорхонаси 319 килограмм гўшт, 4,5 тонна ҳар хил меваларни, 112-пахтакор автокорхонаси 261 кг асал, 20,8 тонна полиз маҳсулотларини ўз жамоаларига арзон нархларда сотишган. Шундай бўлса-да, ҳозир корхонада ойлик маошларини бериш кечиктирилаяпти. автокорхонада ишловчиларнинг иш ҳақи қарзи 17 миллион 587 минг сўмни ташкил этмоқда. Утган ой учун пахтакор, 32-Бахмал, 21-Гагарин, 131-Зафаробод автокорхоналари ишловчиларга иш ҳақларини ҳалигача бермаган. 23-, 11-, 21-, 133-, 131-автокорхоналарда зарарли цехларда ишловчилар учун сут бериш ташкил этилмаган.

Ҳозиргача меҳнатни муҳофаза қилишга 795 минг 600 сўм сарфланди. Бирлашма бўйича 2517-автожамланмаси ва хўжалик ҳисобидаги автошоҳбекатдан ташқари ҳамма автокорхоналар давлат-ҳиссадорлик корхонасига айлантирилди. Натижада автокорхона ходимлари ҳар чоракда мунтазам равишда акцияларга дивиденд олиб турибди.

Бирлашма тасарруфидаги 50 ўринли санаторий-профилакторий фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ўтган йили 534 киши согликларини тиклаган эди. Республикамиз санаторийларида эса 62 киши дам олдилар.

Бу йил 19 автокорхона ва ташкилотларда «Узавтотранс» давлат ҳиссадорлик корпорацияси ва автомобиль транспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма марказий қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тавсиянномаси асосида жамоа шартномалари қабул қилинди. Бирлашма касаба уюшма қўмитаси, бирлашма цех касаба уюшмаси ва бирлашма бошқаруви ўртасида тузилган битимларда белгиланган тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмалари ҳаёти

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Касаба уюшмалари бошқа ташкилотлардан ўзининг йўналиши, ҳаётда тутган мавқеи билан алоҳида ажралиб туради. Чунки, бирор ташкилот, корхона, муассаса йўқки, унда уюшма аъзолари фаолият кўрсатмаса. Хоҳ ишлаб чиқаришда бўлсин, хоҳ маданий муассасада бўлсин касаба уюшма аъзолари ўзларининг яратувчилик ва бунёдкорлик фаолиятлари билан мустақил республикамиз равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда. Муҳими шундаки, меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш касаба уюшма ташкилотлари зиммасида. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳнатга бўлган муносабати, меҳнат муҳофазаси ҳар томонлама кафолатланган.

Яқинда биз касаба уюшмалари Қарши туман кенгаши раиси Қамариддин Амирқулов билан учрашиб, ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг фаолияти билан қизиқдик.

— Қамариддин, мана қарийб 11 йилдан буён туман касаба уюшмалари кенгашига раҳбарлик қилиб келяпсиз? Шу соҳада озми-кўпми тажрибага эгасиз. Шу боис ташкилотнинг фаолияти ва ҳозирги мавқеи ҳақида тўхталсангиз?

— Бугунги кунда туман касаба уюшмалари кенгаши ўз атрофига 18200 нафар аъзони бирлаштирган. 316 та гуруҳ, 57 та цех ва 33 та бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаолият кўрсатмоқда. Барча ташкилотларда булгани каби касаба уюшмалари фаолиятида ҳам аниқ ўзгаришлар рўй бермоқда. Бугун мулкчилик шакли ўзгариб боряпти. Инсонларнинг мулкчиликка булган муносабати ҳам тубдан янгиланмоқда. Ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, касаба уюшмалари ҳам замон талабидан келиб чиқиб, ўз фаолиятларини такомиллаштирмоқда.

— Фикрларингиз ўринли. Энди қилинган ва қилинажак ишлар хусусида гапирсангиз?

— Майлику-я, лекин ҳали фаолиятимизда етилмаган муаммолар анчагина. Бу билан айтмоқчиманки, ютуқларимиз ҳам, камчиликларимиз ҳам узимизники. Ундоқ қилдик, бундоқ қилдик деб аравани қуруқ олиб қочган билан фойда йўқ. Тўғри, иш бўлгандан сўнг, ютуқ ва камчиликлар ҳам бўлади. Силлиқ ишнинг узи йўқ. Шу боис, мен шароитдан, вазиятдан келиб чиқиб, фикр юритмоқчиман. Узоққа бормайлик. Биргина утган йили кенгашимиз маданий-оқартув ишлари бўйича 409 минг 307 минг сўмлик иш бажарди.

Бизда 9 та клуб мудири туман касаба уюшмалари кенгаши ҳисобидан маош олишади. Ана шу клуб мудирларига уз вақтида иш ҳақи бериб борилишини таъминлаб бораяпмиз. Чунки клуб мудирларини молиявий жиҳатдан қанчалик таъминлаб турсак, улардан шунчалик иш талаб қилиш осон кўчади. Бўлмаса, турли баҳоналарни важ қилиб, ўз фаолиятларини сусайтириб юборишади. Шу боисдан булса керак, клубларимизда маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилиб турилибди. Бугунги кунда тумандаги «Насаф» жамоа-ширкат хўжалигида «Момогул» этнографик-фольклор ансамбли фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ансамбль утган йили халқ ансамбли деган фахрий унвонга сазовор бўлди. Айни пайтда тумандаги бирор тадбир, байрам йўқки, мазкур ансамбль иштирок этмаса. Ҳаммасида у фаол қатнашмоқда. Шу ўринда кенгашимизнинг ҳам озми-кўпми хизмати борлигидан мамнунмиз. Касаба уюшмалари туман кенгаши яқиндагина ўз ҳисобидан ансамбль қатнашчиларига 50 минг сўмлик кийим-бош олиб берди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш соҳасида ҳам қатор тадбирларни амалга ошираяпмиз. Тумандаги мавжуд 26 та болалар боғчасига турли тадбирлар ўтказиш мақсадида 8-10 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатдик. Бундан ташқари, қишлоқ меҳнат аҳлига хўжаликларнинг раҳбарлари билан ҳамкорликда ун, совун, шакар, усимлик ёғи каби кундалик эҳтиёж маҳсулотларини вақтивақти билан берилишини таъминлаяпмиз. Қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий жиҳатдан ҳимояламасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини дилдан ҳис қиламиз.

— Туман меҳнат аҳлининг дам олиши қандай олиб борилмоқда?

— Аввало соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ходимларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тўғрисидаги Дастурни амалга ошириш чораларини кўраяпмиз. Ўтган йили туман бўйича 1320 киши, шу йилнинг ўтган ойлари давомида эса 620 киши йўлланма билан мамлакатимизнинг ва вилоятимизнинг турли соғломлаштириш лагерлари ва санаторийларида дам олиб, меҳнат қучоғига соғлиқларини тиклаб қайтишди. Айни пайтда туманимиздаги мактаблардан 250 ёш ўғил-қиз болалар оромгоҳларида ёзги таътилни мароқли ўтказишмоқда. Биз бу йил болалар оромгоҳларида 900 дан ортиқ мактаб ўқувчиларининг хордиқ чиқаришларини режалаштирганмиз. Бунинг учун реал имкониятларимиз бор.

— Туман ҳокимлиги билан касаба уюшмалари ўртасидаги алоқа қандай ташкил этилган?

— Аввало касаба уюшмалари ишини жонлантиришда, айниқса, бошланғич касаба уюшмалари қўмиталари фаолиятини яхшилашда туман ҳокимлигининг ғамхўрлиги катта бўлаяпти. Ҳафтанинг ҳар душанба куни ҳокимликда аппарат йиғилиши ўтказилади. Биз ана шу йиғилишда мунтазам қатнашамиз. Уз муаммоларимиз билан ҳокимликка мурожаат қиламиз. Ҳокимлик ҳамиша бизнинг таклиф ва мулоҳазаларимизга аҳамият бериб, керак бўлганда амалий ёрдамини кўрсатмоқда. Туман ҳокимлиги ва касаба уюшмалари туман кенгаши ўртасида жамоа келишуви тузилган. Жумладан, 1997-1998 йилларга мўлжалланган жамоа келишуви асосида иш юритмоқдамиз. Шу ўринда биз республикамиз Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсатига доир фармон ва қарорлари ҳамда касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бу борадаги дастурий ҳужжатларига қатъий амал қилаяпмиз.

Кейинги пайтларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ҳақида жуда кўп гап-сўз бўлаяпти. Лекин амалда бирор бир ўзгариш сезилмаяпти. Хўш, бунга ким айбдор? Аввало айбни ўзимиздан қидиришимиз лозим. Бу муаммони юқоридан келиб бирор кимса қилиб бермайди ёки қарор кўрсатма бўлгани билан унинг бажарилишини таъминламасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Хўш, нима қилиш керак? Менимча бунинг учун шу соҳада ишловчи раҳбарлар ўз фаолиятларида тўб бурилиш ясашлари лозим. Яъни шароитдан, вазиятдан, қўйингки, давр талабидан келиб чиқиб, касаба уюшмалари фаолиятини яхшилаш хусусида амалий ишга ўтишлари даркор.

С. АҲРОРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 1 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	46,68
1 Австрия шиллинги	5,12
1 Англия фунт стерлинги	104,20
10 Бельгия франки	17,47
1 Голландия гульдени	32,05
10 Греция драхмаси	2,28
1 Дания кронаси	9,47
1 БАА дирхами	17,05
1 АҚШ доллари	62,63
1 Миср фунти	18,49
1 Ирландия фунти	94,51
1 Исландия кронаси	0,89
10 Испания песети	4,26
100 Италия лирраси	3,69
1 Канада доллари	45,41
1 Хитой юани	7,55
1 Қувайт динори	206,97
100 Ливан фунти	4,08
1 Малайзия ринггити	24,81
1 Германия маркаси	36,05
1 Норвегия кронаси	8,59
1 Польша злотийси	19,17
10 Португалия эскудоси	3,57
1 Сингапур доллари	43,81
1000 Туркия лирраси	0,42
1 Финляндия маркаси	12,09
1 Франция франки	10,69
1 Швеция кронаси	8,12
1 Швейцария франки	43,12
1 ЭКЮ	70,62
10 Жанубий Корея вони	0,71
10 Япония иенаси	5,48
1000 Россия рубли	10,83
1 Украина гривнаси	33,73
1000 Беларусь рубли	2,32
1 Эстония кронаси	4,94
1 Латвия лати	109,11
1 Литва лити	15,66
1 Қозоғистон тенгеси	0,83
1 Қирғизистон somи	3,61

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалашда жамоа шартномалари, битимларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган YI Пленумида бу борадаги ишларга баҳо берилди.

Деҳқончилик саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Қ.Давлетов ўз маърузасида ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар тармоқ касаба уюшмалари тизимида бу борада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилди. Унда бир қатор жамоа хўжаликлари, корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари билан ишлашга катта эътибор берилаётгани таъкидланди. Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, уларга турли имтиёзлар яратиб бериш борасида янги-янги таклифлар киритилмоқда. Масалан, Хонқа туманидаги Ал-Хоразмий номли жамоа хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг бу борада амалга ошираётган ишлари самарали бўлмоқда. Мусобақа голиблари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётир. Ўтган йилнинг узида хўжалик меҳнаткашларига иккита «Нексия» енгил автомашинаси, санаторийларга 100 га яқин йўлланмалар берилди.

Тармоқ касаба уюшмаси жамоа шартномалари ва битимларни тузиш ва якунлаш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бошланғич ташкилотларга амалий ёрдамлар берилаяпти.

Ўтган йили тармоқ бўйича 346 ташкилотда жамоа шартномалари имзоланган эди. Уларда ишчи-хизматчиларга турли имтиёзлар яратиш, кам даромадли оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, бева-бечора ва қариялар, ногиронларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш юзасидан мажбуриятлар ажратиш кўзда тутилганди. Ана шу мақсадларга йил давомида 50 миллиондан ошиқ маблағ сарфланди.

Амалдаги йилда 335 жамоада битимлар ва жамоа шартномалари қабул қилинди. Шунингдек, вилоятдаги 7 та бирлашма ва ҳиссадорлик жамиятлари, 4 та трест маъмуриятлари билан вилоят касаба уюшма қўмитаси ўртасида битим тузилди. Турли имтиёзлар ва моддий ёрдам учун бу йил 453 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилган. Хонқа дон маҳсулотлари очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномаси билан ишлаш соҳасида яхши тажриба тўпланган. Ҳар бир ишчи, моддий ёрдамга муҳтож оила касаба уюшма эътиборида турибди. Вақти-вақти билан оилалар аҳволидан хабар олинмоқда. Олинган соф фойда йилига икки марта ҳиссадорларга дивиденд тарзида тўланмоқда.

Шунингдек, Хоразм сув қурилиш трести Урганч ёғ ҳиссадорлик жамияти, Хива туманидаги Узбекистон жамоа хўжалиги сингари корхоналарда ҳам жамоа шартномалари билан ишлаш яхши йўлга қўйилмоқда. Лекин, Шовот туманидаги К.Отаниёзов номидаги, «Бустон» жамоа хўжаликлари, Боғот туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги ва бошқа корхоналарда жамоа шартномалари аҳамиятини тўлиқ тушуниб етмаяптилар. Ҳатто уларни расмийлаштириш, якунлаш номигагина ўтказилмоқда.

Пленумда Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, деҳқончилик саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т.Собитов, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси К.Сафоев иштирок этди.

Шихназар АҲМЕДОВ,
Хоразм вилояти.

Хатирчи туманидаги Эшмурод АБДИЕВ номли жамоа хўжалиги ғаллакорлари минг тоннадан зиёд дон етиштириб, бу борадаги буюртмани бажардилар.

Суратда: (чапдан) хўжаликнинг илғор ғаллакор механизаторлари И. ИСЛОМОВ, З. ТОШПУЛАТОВ, Т. ҚУВВАТОВ, Ф. ПЎЛАТОВ.

Истеъмолчилар манфаати — муқаддас!

СЕРТИФИКАТИНГИЗ ҚАНИ?

ёки бозорлардаги айрим учарлар истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар сотаётгани хусусида

Бугунги кунда қайси бозорга борманг, у ердан истаган нарсангизни топасиз. Уни харид қилиш учун чунтак кўтарса бас. Лекин унинг сифати масаласига келганда, анча ўйланиб қолсан, киши. Узбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни энг аввало инсон саломатлигини муҳофаза этишга қаратилгандир.

Сирдарё вилоят стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш ҳудудий маркази ўз фаолиятида вилоят халқ хўжалигида маҳсулот ва хизматлар сифати, унинг метрологик таъминоти каби муҳим жиҳатларини қамраб олган бўлиб, жойларда ўз ваколати доирасида иш олиб бормоқда.

Яқинда солиқ назорати ходимлари ҳамкорликда ўтказилган текширишлар мақсади — озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига қаратилди.

Сирдарё шаҳридаги Мирзамуҳамедов кўчасида жойлашган бозорча ҳар доимгидек сотувчи ва харидорлар билан гавжум. Бири олади, бири сотади. Тадбиркорлар Б. Қурбонов, А. Отаев, Х. Ғайбуллаеваларнинг ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари сотишдан қўллари бўшамайди. Улар тинмай мақтаб сотаётган Туркияда ишлаб чиқарилган «Юала», «Елена» маргаринлари, Голландия, Россияда тайёрланган қуюқ сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг сертификати йўқлиги аниқланди. Начора, уларнинг ҳар бири Узбекистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқ кодексининг 214-бандига мувофиқ 1200 сўмдан жарима тўлашга мажбур бўлди.

Гулистон шаҳридаги деҳқон бозорида ҳам кўплаб тадбиркорлар сертификати бўлмасада, озиқ-овқат маҳсулотларини истаганча пуллаш билан овора эканликларининг гувоҳи бўлдик. Тадбиркор Акмал Шоимов озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишга тегишли рухсати бўлмаса-да, Хитой, Голландия ва Италиядан келтирилган қатор озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатсиз сотиб ўтирарди. Сотувчи Ойгул Жумабоева Украинадан келтирилган қанд, республикамизда ишлаб чиқарилган кўк чойларининг сертификатини кўрсата олмасдан мулзам бўлди.

Тадбиркор Галя Абдулова пенпгахтада пуллаётган Голландияда ишланган «Корона», «Лико» ёғларининг ҳам истеъмолга яроқлилиги тўғрисидаги сертификати йўқ эди.

Биз юқорида номларини зикр этган барча қоидабузар шаҳсларга жарима солинди.

Шу ўринда ҳақли савол кишини ўйлантириб қўяди: мўмай пул топиш йўлида кишилар саломатлигини ўйламаслик инсофданми? Ахир халқимизда «инсоф сайин барака», деган пурҳикмат нақл бежиз айтилмаган-ку!

Ҳасан САИДБЕКОВ,
Сирдарё вилоят стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш ҳудудий маркази раҳбари.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч»нинг жамоатчи мухбири.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ...

Саволларга ҳуқуқшунос Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради.

— Мен 1992 йил 19 августда бахтсиз ҳодиса туфайли ногиронлиги белгиланиб, 1993 йилнинг январь ойидан II гуруҳ ногиронлиги бўлиб қолдим.

Бир йўла тўланадиган нафақа олишга ҳақлиманми?

З. АҲМЕДОВ, Термез шаҳри.

— Сизга соғлигингизга зарар етказилгани учун бир йўла тўланадиган нафақа берилмагани тўғри. Чунки мазкур тулов Узбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан (яъни 1993 йил май ойи) жорий этилгандир.

***

— Мен ишлаётган ҳунар мактаби тугатилганидан сўнг ишсиз бўлиб қолдим.

Айтинг-чи, ишсизларга ҳам касаллик варақаси бўйича нафақа тўланадими?

Ж. ТУРСУНОВ, Наманган вилояти.

— Қоида тариқасида, яъни «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ, ходимга юқоридан нафақани олиш ҳуқуқи касаллик иш вақтида пайдо бўлган тақдиридагина берилади.

Алоҳида ҳолларда, ишдан узрли сабабларга кўра бўшагандан сўнг бир ой ичида меҳнатга қобилиятсизлик бошланган бўлса, нафақа тўлашга рухсат этилиши ҳам мумкин.

***

— Мен шу йилнинг май ойида Қўқон шаҳар республика ўқув-ишлаб чиқариш марказида ўқишни битирдим. Турмуш ўртоғим ишсиз. Ҳомиладорлик ва бола туғиш бўйича таътилга чиқдим, нафақаларни қаердан олишим мумкин?

Ҳ. АКБАРОВА, Қўқон шаҳри.

— «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом»нинг 36-бандида шундай дейилади: «Олий ёки ўрта махсус ўқув юртини, аспирантурани, клиник ординатурани ёхуд ҳунар-техника билим юртини битирган ва белгиланган тартибда ишга юборилган аёлларга ишни бошлагунга қадар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилган ҳолда, ишга келиш белгиланган кундан бошлаб нафақа берилади.

Бошқача қилиб айтганда, сизга нафақа янги иш жойидан берилади. Мабодо, иш билан таъминлаш имконияти бўлмаса, ўқишни битиргандан кейинги бир ойлик муддат ичида ижтимоий суғурта жамғармасининг вилоят бўлимига (ҳозирги пайтда Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлимига) мурожаат қилишингиз тавсия қилинади.

***

— Пенсияга чиқмоқчи эдим, иш стажимни гувоҳлар кўрсатмасига асосан тасдиқлаш мумкинми?

И. УМАРҚУЛОВ, Андижон вилояти, Асака тумани.

— Узбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 42-моддасига мувофиқ, меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Меҳнат дафтарчаси ёки унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда фуқаронинг иш стажини, белгиланган тартибда, гувоҳлар кўрсатмасига биноан тасдиқлаш мумкин. Сиз туман ижтимоий таъминот идорасига мурожаат қилишингиз лозим.

***

— Оддий акция билан имтиёзли акциянинг нима фарқи бор?

Шаҳрисабз пахта тозалаш заводининг бир гуруҳ ишчилари номидан Сайёра ХАЛИЛОВА.

— Акция қимматли қоғоз бўлиб, унинг бир нечта турлари бор, жумладан, эгасининг номи ёзилган, имтиёзли, оддий ва ҳоказо.

Имтиёзли акция эгалари биринчи навбатда дивиденд олиш ҳуқуқига ва ҳиссадорлик жамияти тугатилган тақдирда унинг мол-мулкини тақсимлаш ишида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, имтиёзли акциялар бўй

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига

ЧЎЛ БАҒРИДА ПОРЛОҚЛ ЮЛДУЗ

Тез орада Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилади

УЛКАН ИНШООТ

Бугунги кунда Қоровулбозордаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бораётганлигини республикамизнинг ҳар бир фуқароси жуда яхши билади. Чунки, бу гигант корхонада қурилиш ишлари қандай бораётганлиги матбуот нашрларида, телевидение кўрсатувларида мунтазам ёритиб борилмоқда. Ҳа, мазкур иншоотнинг аҳамияти, келажаги ҳақида қанчалик мадҳ этсак, шунча оз. Заводнинг дастлабки навбати ишга тушишга саноқли кунлар қолди. Завод ишга тушгач, республикамизда ёқилғи-мойлаш маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёж янада кенгроқ барҳам топади. Бу эса республикамизга четдан ёқилғи маҳсулотлари харид қилмаслик имконини беради. Хуллас, мазкур завод мамлакатимиз саноатининг энг гигант корхоналаридан бири бўлиб қолади.

Эсингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 14 январь сонида мазкур завод қурилиши ҳақида махсус саҳифа берган эдик. Шунга ҳам қарийб беш ой бўлаяпти. Шу ўтган қисқа вақт ичида заводда катта қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Биз яқинда заводда ва бўлажак корхона ишчи-хизматчилари учун қад ростлаётган замонавий посёлкада бўлганимизда бунга яна бир карра гувоҳ бўлдик.

Дастлаб заводнинг юраги ҳисобланган технология иншоотини кўздан кечирдик. Иншоотнинг бугунги қиёфаси узғача. Бу ердаги қурилиш-монтаж ишларини биргина мамлакатимиз инженер-техник ходимларигина эмас, Франциянинг дунёга машҳур «ТЕСНИР» яъни «ТЕХНИК» фирмаси мутахассислари амалга оширишмоқда. Шунингдек, Туркияниг «GAMA» («ГАМА») фирмаси инженер-техник ходимлари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Айни пайтда мазкур иншоотнинг осмонўпар қувурларига боқар экансиз, гўё олдаги баланд қаватли иморатлар кўз олдингизга келади. Ҳозир иншоотда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётган экан. Заводнинг дастлабки навбати ишга тушишига саноқли кунлар қолди. Барча жараёнлар заводнинг ана шу технология иншооти орқали ҳаракатга келади, десам асло хато қилмайман.

Маълумки завод қурилиши учун 205 гектар ер ажратилган. Мазкур майдонда заводнинг дастлабки навбатини ишга тушириш учун 137 та иншоотда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Уларнинг асосий қисми қурилиб, фойдаланишга топширилганлигининг шоҳиди бўлдик. Қолган иншоотларда ҳам ишлар ута тезкорлик билан олиб борилмоқда.



Қоровулбозор нефни қайта ишлаш корхонасининг бир кўриниши.

Йул—ободончиликнинг боши деганларидек, бир вақтлари объектлардан чиққан тупроқ уюмлари текисланиб, узоқ муддатга мўлжалланган темир-бетон йўллар солишибди. Айни пайтда юк ва енгил машиналар завод ичкарисида мазкур йўллардан гизиллаб қатнаб турибди. «Бухороқурилиш» корпорацияси ҳиссадорлик жамияти томонидан бунёд этилган заводнинг маъмурий биноси ҳам тўла қуриб битказилибди. Ёнилғи-мойлаш материаллари солинадиган катта ҳажмдаги цестерналар, қозонхона, иссиқлик маркази, ўт учириш биноси, нефть маҳсулотлари қайта ишланиб турли хилдаги ёнилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цехлар тўла қуриб битказилиб, ишга тушай қилиб қўйилган. Хуллас, заводда қисқа вақтда кўплаб объектлар қурилибди. Уларнинг ҳар бирини санаб ўтишнинг имкони ҳам йўқ. Муҳими, корхонанинг биринчи навбати ишлаш учун зарур буладиган барча иншоотларда кенг кўламли қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Бунда албатта, завод қурилиши учун сафарбар этилган унга яқин бош пудратчи, йиғирмадан ортиқ ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг хизмати беқиёс.

Шу ўринда бир нарсага тўхталмоқчимиз. У ҳам бўлса, завод қурилишида биргина Бухоро вилоятидаги қурилиш ташкилотлари эмас, балки мамлакатимиздаги барча вилоятлардаги қурилиш ташкилотларидан турли соҳадаги мутахассислар қатнашиб, мазкур иншоотни қад ростлашига узларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. Чунки мазкур гигант корхонаси республика аҳамиятига молик бўлиб, у келгусида Узбекистонимиз шуҳратига-шуҳрат қўшишига шак-шубҳа йўқ. Унинг дастлабки навбатини ишга тушириш учун заводнинг ўзида вилоят ва республика қурилиш штаблари ишлаб турибди. Штаб йиғилишлари мунтазам равишда ўтказилиб, уларда қурилишни жадаллаштиришга оид масалалар муҳокама этиб борилмоқда. Шунингдек, штаб йиғилишларида бош пудратчи ҳамда ёрдамчи ташкилотларнинг раҳбарлари қилинган ва қилинажак ишлар юзасидан ахборот бериб бормоқдалар. Республика қурилиш штаби йиғинларида бевосита Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққуловларнинг ўзлари иштирок этганлигининг бир неча бор гувоҳи бўлганман. Улар йиғинларда иштирок этибгина қолмай, завод қурилишидаги муаммоларни ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Ҳа, чўл ҳудудида барпо этилаётган мазкур гигант корхона республикамиз саноатининг етакчи иншоотларидан бирига айланади.

Хуллас, заводнинг дастлабки навбати ишга тушиши учун бу ерда барча чоралар кўрилмоқда. 33 та мутахассис чет элларда фаолият кўрсатаётган нефтни қайта ишлаш заводларига ўқиш ва иш ўрганиш учун жўнатилиб, қисқа вақт ичида ўз малакаларини ошириб келишди. Чунки заводдаги кўпгина қурилма ва механизмлар дунёдаги энг сўнгги лойиҳалар асосида барпо этилган. Уларни бошқариш учун эса албатта, малакали мутахассислар керак.

Завод ҳудудида айланиб, бу ерда ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилиб, маданий дам олиш учун барча қулайликлар муҳайё этилаётганлигини кўриб кўзимиз қувнади. Замонавий ошхона, тиббиёт муассасаси, ювиниш хоналари, савдо дуконлари, маиший хизмат биноларининг кўркам ва щинамлигини айтмайсизми? Ён-атрофга экилган манзарали ва мевали кўчатлар бир текис ривожланмоқда. Ҳатто буш жойларга буғдой экилиб, бугунги кунда пишиб етилганлиги ҳар қандай кишининг диққатини тортади.

Хўш, заводнинг дастлабки навбати ишга тушганда корхонада қарийб 1500 киши меҳнат қилади. Ишчи-хизматчилар, мутахассислар асосан мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келишган.

ТУМАН ҚИЁФАСИ ЎЗГАРАДИ

Хўш, ушбу завод ва нефтчилар шаҳарчаси Қоровулбозор туманининг иқтисодий ва маданий ҳаётига қандай таъсир кўрсатади? Биз ана шундай савол билан туман ҳокимининг биринчи муовини Фозил Қудратовга мурожаат қилдик.

— Очиғини айтганда завод қурилиши бошланмаслан олдин Қоровулбозор деганда барчанинг кўз олдига яйдоқ чўл бағрида ташкил этилган митти туман келарди, холос, — дея гап бошлади Ф. Қудратов. — Аҳолиси ҳам унчалик кўп эмас. Атиги 11,5 минг кишини ташкил этади. Ишлаб чиқариши ва иқтисодиёти ҳам бақувват эмасди.

Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз айнан Қоровулбозорда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қуриш тўғрисида қатъий қарорга келингач, Қоровулбозор ҳаммамнинг тилига тушди. Мана ҳозир туманимиздаги 95 фоиз ташкилот завод ва нефтчилар шаҳарчаси қурилишида қатнашмоқда. Туман марказининг қиёфасини айтмайсизми? Кундан-кун чирой очиб бормоқда. Йўллар қайта таъмирланди. Деҳқон бозори қайта қурилди. Қанчадан-қанча савдо расталари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Энг муҳими туманимиз аҳолиси ишли бўлиб қолишди. Ҳали заводнинг биринчи навбати ишга тушгач, аҳоли сони янада ошади. Чунки туманимиз ҳудудида 10 минг кишига мўлжалланган нефтчилар шаҳарчаси қурилмоқда. Демак, туман аҳолисининг сони яна шунчага кўпаяди.

— Фозилжон, эшитишимизга қараганда туман марказида ичимлик сувига эҳтиёж катта экан. Шу муаммони ҳал этиш қандай бўлади?

— Тўғри, завод қурилиши бу муаммони ҳам енгиллаштирди. Ҳозир Куйикмазордан то заводгача 43 километр масофага сув қувури тортиб келинди, 1, 2-насос станциялари қуриб битказилди. 2 та 12 минг кублик резервар қурилмоқда. Ана шу резурварлар ишга тушгач, туманда ичимлик сувга бўлган эҳтиёж тўла қондирилади.

— Туман маркази нефтчилар шаҳарчаси билан деярли қўшилиб кетган. Энди туман маркази қайси томонга кенгаяди?

— Қоровулбозор маркази энди пастки жанубий томонга кенгайиб боради. Бош лойиҳа буйича кўпгина маданий-маиший объектлар қуриш режалаштирилган. Биз албатта, ушбу лойиҳа буйича қурилиш ишларини давом эттирамиз. Мана яқинда туман марказида республика Алоқа вазирлигининг ҳиммати билан «Алоқа уйи» барпо этилди. Ҳалемай, телефон хизмати йўлга қўйилади. Бу завод учун ҳам, биз учун ҳам қулайлик, албатта. Мазкур иншоотнинг туманимиз ҳудудида қурилиши биз учун яна бир афзаллик. Келгусида шаҳар ва қишлоқларимизни газлаштириш имкони туғилади. Туман ҳокимлиги завод маъмурияти билан ҳамкорликда ишлаб туман марказининг обод бўлишини таъминлайди, қишлоқлар инфраструктурасини яхшилаш чора-тадбирларини кўради.

Дарвоқе, туман ҳокимининг биринчи муовини Фозилжон Қудратов ҳақ гапни айтди. Ушбу заводнинг қурилиши биргина туман иқтисодиёти ва маданиятини юксалтиришда эмас, балки республикамиз салоҳиятини оширишда асосий цегиз бўлиб хизмат қилиши турган гап.



Нефтни қайта ишлаш корхонасининг ички кўриниши.



«Ўзбекбургаз» трестига қарашли «Узпоравтотранс» ҳиссадорлик жамиятида Қобул Ҳамидов (чапдаги суратда) 12 йилдан бери ҳайдовчилик қилиб келади.

Юқоридаги суратдаги азаматлар корхонанинг созлаш-механика цехида меҳнат қиладилар. Аҳрор Ғафуров (чапдан биринчи), Ҳамид Ҳамидов, Ихтиёр Шоимов танлаган касбларидан мамнун.

ҲАМ ДОН, ҲАМ ПАХТА

Қоровулбозор туманидаги «Дўстлик» жамоа-ширкат хўжалигининг Чори Раҳмонов бошлиқ бригадаси деҳқонлари бу йил 35 гектар майдонда ғалла, 54 гектар ерда пахта экишганди. Бригадада ғалла пишиб етилиши билан ўрим-йиғимга киришдилар. Натижа чакки бўлмади. Ҳар гектар майдондан ўртача 32 центнердан дон ҳосили кўтарилди. Ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорлаб қўйилди.

Аҳил жамоа аъзолари пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозиргача гўза қатор ораларига 3 марта ишлов берилиб, 2 марта озиқлантирилди, 2 марта суғорилди. Яхши парвариш туфайли бригаданинг барча майдондаги гўзалари ёппасига гулга кирди.

Шунингдек, мазкур хўжаликнинг Элмурод Аллаёров бошлиқ бригадаси жамоаси ҳам 42 гектар ғалла майдонидан ўртача 38 центнердан дон ҳосили кўтариб, бу соҳадаги режани ошиғи билан уддалашди. Улар ҳам 66 гектар майдондаги пахтадан гектарига 35 центнердан ҳосил кўтариш мақсадида гўза парваришини агротехника талаблари даражасида ташкил этмоқдалар.

ҲИССАДОРЛАР ҲИММАТИ

Мухбиримиз Бухорога сафари давомида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида ўзининг муносиб улушини қўшаётган «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Қаҳрамон Ҳожиев билан суҳбатлашди.

— Қаҳрамон Сандович, аввало Республика иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилувчи улкан саноат корхонаси — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи иншоотларида ишлар қандай олиб борилаётганлиги хусусида тўхталсангиз?

— Тан олиб, катта фахр-ифтихор билан айтиш керакки, чиндан ҳам нефтни қайта ишлаш заводи нафақат Бухоро, балки мустақил Узбекистонимизнинг иқтисодиётини тараққий эттиришда муҳим аҳамиятга молик йирик саноат корхонасидир. Уни қурувчилар, нефтчилар шаҳарчаси аҳолиси «мустақиллик меваси» деб аташади. Чунки у мустақиллик йилларида бунёдга келди. Завод қурилиши учун Қоровулбозор туманидан 300 гектар майдон ажратилган. Қурилиш ишлари 1993 йилнинг августа ойида бошланган эди. Бу саноат корхонаси қурилишида 20 га яқин республика ва вилоятлар миқёсидаги йирик қурилиш трестлари жамоалари уч сменада астойдил фаолият кўрсатмоқдалар. Республика раҳбарияти бутун диққат-эътиборни заводни яқин кунлар ичида ишга туширишга қаратган.

Ҳиссадорлик жамиятимизда 2100 нафардан ортиқ киши 9 та қурилиш — монтаж ширкатларига бириқиб, бунёдкорлик ишларини бажарадилар. Қурувчи-монтажчиларимизнинг ярмидан кўпи 1993 йилдан буён нефтни қайта ишлаш заводи иншоотларини тиклашда иштирок этмоқдалар. Ўтган йилнинг февралидан бошлаб уларнинг асосий қисмини завод қурилишини тезлаштиришга жалб этдик.

Қурилиш трестлари ўртасида ажойиб ўзаро ҳамкорлик анъанаси бор. Бу иш қуламини кенгайтириш, сифатни яхшилаш ва манфаатдорликни оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Нефтни қайта ишлаш заводида фаолият кўрсатаётганимизга тўрт йилча бўлиб қолди. Бу даврда элликка яқин иншоотда иш бажардик. Биз асосан маъмурий биноларни қуришда фаолият кўрсатаётирмиз. Масалан, Нажмиддин Файзиев 7—қурилиш-монтаж ширкатини бошқаради. У бошчилигидаги қурувчилар заводнинг асосий маъмурий биносини юқори сифат билан қуриб, фойдаланишга топширди. Шунингдек, Ботир Қулиев бошқараётган 4—қурилиш-монтаж ширкати 80 ўринли ошхона биносини, ювиштозалаш биносини ва бошқа биноларни қуриб фойдаланишга топширди. 7—қурилиш-монтаж ширкатининг Валерия Белоперковская бошлиқ бўеқчилари, 6-ширкатнинг Ботир Ҳаётов бошлиқ монтажчилар, 4—ширкатнинг Иди Тоҳиров бошлиқ гишт терувчилари бажарган ишлар қулам ва сифат жиҳатдан юқори назорат ташкилотларининг тақсинига сазовор бўлди. Бу ишларнинг ҳаммасида «Узмахсусқурилишмонтаж» уюшмаси билан ҳамкорлик қилишимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов ўтган йили заводда бўлиб заводни муддатидан олдин ишга тушириш, бунда сифатга, қурувчилар саломатлигига, уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга, атроф-теваракни ободонлаштириш ва қуқаламзорлаштиришга кенг эътиборни қаратиш, жумладан, ишга туширилаётган иншоотларни алоҳида ишчи комиссиясига топшириш билан чекланмасдан, балки уларни бошланғич комплексларга бўлиб давлат комиссиясига топшириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ички имкониятлардан фойдаланиш, инсон манфаатлари йўлида қурувчи-монтажчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида нималар қилинмоқда?

Одамларни ижтимоий ва иқтисодий ҳимоялаш, саломатликларини асраш, уй-жой билан таъминлаш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш раҳбариятнинг биринчи галдаги вазифасига киради. Шу боис нефтни қайта ишлаш заводида ишлаётган қурувчи-монтажчиларимизга намунали дам олиб самарали ишлашлари учун иссиқлик, электр энергияси газ ва тоза ичимлик сув билан таъминланган турар жойлар яратиб берилди. Улар бепул овқатланадилар. Бу ҳам ишимизнинг қулам ва сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Вилоят шифохоналарининг малақали ҳакимлари Қоровулбозорга — заводга тез-тез бориб, ишчиларнинг саломатликларини назорат қиладилар. Касаллар шифохоналарга етиб, согликларини тиклайдилар. Одамларимиз дам олиш учун «Моҳи — Хосса», Чимен, Зомин, Чортоқ, 8-март ва бошқа қатор санаторийларга юборилмоқда. Ногиронларга ўз вақтида тиббий ва бошқа ёрдамлар кўрсатилиб турилибди. Бу ишларда ҳиссадорлик жамиятимиз марказий касаба уюшма қўмитаси ва унинг ширкатлардаги 20 та бўлинмаси аъзолари фаоллик кўрсатяптилар. Шунингдек, жамиятимиз ихтиёридаги «Гулхан» ва «Ситора» болалар боғчаларида қурувчиларимизнинг фарзандлари тарбияланмоқда.

— Қаҳрамон Сандович! Яқинда улкан корхона нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилади. Жамоангиз шу тарихий кунни қандай иншоотларни фойдаланишга топшириш билан нишонлашмоқ-чи?

— Заводнинг асосий маъмурий биноси ва унинг шарқона усулда қурилган чойхонасини тўла-тўкис ҳолда Н.Файзиев бошқарувчилик қилаётган қурилиш-монтаж ширкати марказий лабораторияни Б.Исмойлов бошқарувчилик қилаётган якка тартибдаги уй-жой қурилиши ширкати, қозонхонани У.Жураев бошқарувчилик қилаётган 3-қурилиш-монтаж ширкати, тўғатиб, ишга туширалилар. Хуллас, 30 дан ортиқ иншоот завод билан бир пайтда ишга туширилади.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош: Ғафур ШУКУРОВ, «Ишонч» мухбири.

НЕФТЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ

Заводдан 8 километр чамаси узоқлиқда, нефтчилар шаҳарчаси, яъни Қоровулбозор шаҳри барпо этилмоқда. Завод қурилиши бошланиши биланоқ ишчи-хизматчилар ва мутахассислар учун турар-жой бинолари қуришга киришилганди. Биз нефтчилар шаҳарчасининг қурилиши ҳақида тўла маълумотга эга бўлиш мақсадида завод қурилиши буйича дирекцияга йўл олдик. Минг афсуски, дирекция бошлиғи Юрий Кочинев иш юзасидан Тошкентга сафарга кетган экан. Сўнг дирекциянинг қурилиш ишлари сифати буйича муҳандиси Манзура Обидовага мурожаат қилдик.

— Аввало шуни айтиш керакки, шаҳарча қурилишида «Узсувқурилиш»га қарашли «Бухоросувқурилиши» бошқармасининг, «Вилоятгжамоахўжаликқурилиш», «Аму-Бухороканалқурилиш» трестлари бош пудратчи ташкилотлар ҳисобланади, — дейди М. Обидова. — Шаҳарча қурилиши учун 172 гектар ер ажратилган. Дастлаб 700 хўжаликка мўлжалланган турар-жой биноларини ва маданий-маиший объектлар барпо этилиши керак эди.

— Шаҳарчада тезда қурилиш керак бўлган асосий иншоотлар ҳақида тўхталсангиз?

— Бу ерда жами 108. минг метр-квадрат турар-жой биноларини қуриш кўзда тутилган. Шундан 73 та 3 хонали, 111 та 4 хонали, 199 та 5 хонали, 253 та 6 хонали коттежлар бўлиши керак. Бундан ташқари, ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандлари учун шаҳарчада 624 ўқувчи ўринли мактаб, 35 кишилик соғломлаштириш маркази, 725 ўринли клуб, 150 кишилик кундузги диспансер, 3 та маҳалла маркази, 100 ўринли профилакторий, 50 ўринли меҳмонхона, 2 та дорихона, 3 та йирик магазин ва шунга ўхшаш ўнлаб биноларнинг қурилиши режалаштирилган.

Хўш, ҳозиргача шаҳарчада юқоридаги режалаштирилган биноларнинг қанчаси қуриб, фойдаланишга топширилди?

Шаҳарча қурилиши завод қурилиши билан тенг олиб борилди, десам хато қилмайман. Ҳозир юқорида қайд этган биноларнинг асосий қисми қуриб битказилди. Ҳатто турар-жой биноларига ишчи-хизматчилар ва мутахассисларнинг бир қисми кўчиб ҳам киришди. Ошхона ва савдо дуконлари фаолият кўрсата бошлади. Яхшиси шаҳарчада амалга оширилган қурилиш ишларини бориб кўрган маъқул дея у бизни нефтчилар истиқомат қиладиган масканга бошлади.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам минг эшитгандан кўра бир бориб кўрган яхши. Биз шаҳарчани айланар эканмиз, ҳайратдан ёқа ушладик. Чунки бундан беш ой олдин тап-тақир жойлар ўрнида шинам уйлар, объектлар тўла қуриб битказилган. Биз шаҳарчада «Бухоросувқурилиш» трести бош муҳандиси Баҳодир Зиёевни учратдик. Мазкур трест шаҳарча қурилишида бош пудратчи ташкилотлардан бири ҳисобланади. Шу боис трестнинг бош муҳандиси Баҳодир Зиёевга бир-икки савол билан мурожаат қилдик.

— Баҳодиржон, айтинг-чи трест қурувчилари шаҳарча қурилишида қачондан буён фаолият кўрсатяпти?

— Очиқ айтадиган бўлсам, қурувчиларимиз шаҳарча қурилишини илк бор бошлаб беришган. Биз бу ерда 223 та коттеж қуришни зиммамизга олганмиз. Шу кунгача 22 та коттежни тўла, фойдаланишга топширдик. Қолган коттежларда ҳам қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Айни пайтда трестимизнинг 8 та ПМКси бунёдкорлари шаҳарча қурилишига сафарбар этилган.

— Трест қурувчилари фақат шаҳарча қурилишида иштирок этишяптими?

— Йўқ. Қурувчиларнинг бир қисми завод қурилишида ҳам фаол қатнашмоқда. Битта ПМКмиз завод ичкарисида йўл қуриш билан шуғулланмоқда. Ҳозиргача 29 километр масофадаги йўл фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари заводдаги насос станцияси қурилишида ҳам ишчиларимиз иштирок этишмоқда. Хуллас, бу ерда трестимиз ишчиларининг сони анчагина. Кўпчилиги ҳозирданоқ шу ерда яшаб, ишлаш истагини билдиришмоқда.

— Баҳодиржон, қурилишда бошқа вилоятлардан ҳам қурувчилар келиб, ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. Шу тўғрида ҳам тўхталсангиз.

Шаҳарча қурилиши буйича ҳар ҳафта штаб йиғилиши бўлиб туради. Шунда ташкилотларнинг раҳбарлари, инженер-техник ходимлари иштирок этишади. Шу боис ҳамма улар билан алоқада бўлиб турамиз. Доимо бир-биримизга амалий ёрдам бераяпмиз. Айниқса, трестимиз қурувчилари «Жиззахқурилиш» трестига қарашли 7-ПМК, «Узэлектромонтаж» бирлашмасига қарашли Қаршидаги 2-ПМК «Қаршиқурилиш» трестига қарашли бир нечта ПМК бунёдкорлари билан ёнма-ён меҳнат қилишади. Хуллас, мазкур гигант завод ва унинг ишчи-хизматчилари яшайдиган шаҳарча қурилишига келиб адашмаган эканмиз. Чунки қанчадан-қанча ҳамкасб дўстлар ортирдик.

Қоровулбозор тумани марказида кончилар учун қурилган турар жойлар.

Қурилишда иштирок этаётган қурувчиларга қандай шарт-шароит яратиб берилган?

Ишчиларимизнинг унумли меҳнат қилиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар муҳайё. Ишчиларимиз ўз вақтида ойлик маошларини олиб туришибди. Нолийдиган муаммоларимиз йўқ.

Биз Баҳодиржон Зиёев билан дилдан суҳбатлашганимиздан сўнг яна шаҳарчани айландик. Бошқа вилоятлардан келиб ишлаётган кўплаб қурувчилар билан обдон суҳбатлашдик. Улар нефтчилар шаҳарчасини қуришда иштирок этаётганидан фахрланиб гапиришди.

БУХОРО ЖАМОЛИ

Бухоро шаҳри ва туманларда ҳам 1000 нафардан кўпроқ қурувчилар фидокорлик кўрсатяптилар. Масалан, Бухоро шаҳрида 100 ўринга мўлжалланган согломлаштириш маркази, шаҳар тўғруқхонаси, учинчи навбат троллейбус маркази, шаҳар тўғруқхонаси, учинчи навбат троллейбус линияси, шунингдек, 6-шаҳарчада 648 ўринли, Шофиркон тумани марказида эса 422 ўринли янги мактаб биноларини мустақиллигимизнинг 6 йиллик тантанасига совға қилинади. Бундан ташқари, вилоят мусиқали драма театри таъмирдан чиқарилади. Бухоро сўнгги иқлимга машҳур қилган Кўҳна Аркда ниҳоятда катта ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Унга қўшни вилоятларнинг қурилиш трестлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшаяпгилар.

ИСТИҚЛОЛ ШУЪЛАСИ — ИСТИҚБОЛ ШУЪЛАСИ

Дарҳақиқат, заводнинг истиқболи порлоқ. Унинг биринчи навбати ишга тушишига саноқли кунлар қолди. Ҳозир заводда сўнгги жиҳозлаш ва қурилиш-монтаж ишлари қизғин давом этмоқда. Энди турли ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини олдингидек қимматбаҳода четдан эмас, балки Бухоро нефтни қайта ишлаш заводидан арзон нархларда олиш имкони туғилади. Муҳими республикамизнинг Қуқлумалоқ, Зеварда, Муборак нефть ва газ конларидан олиналиган маҳсулотлар тўғридан-тўғри мазкур заводда қайта ишланиб, мамлакатимиз, қолаверса, чет элларга тарқатилади. Бундай имконият, албатта, республикамиз мустақиллигининг шарофатидандир. Биз завод ва нефтчилар шаҳарчаси қурувчилари ҳузуридан кеч тунда қайтар эканмиз ортимизга бир назар ташладик. Чўл қўйнида электр чироқлари шуъла таратиб турарди. Шу он хаёлимизга бир фикр келди. Бир вақтлар зимистонлик ҳукм сурган чўл бағрини бугунги кунда электр нурлари чарақлаб ёритиб турибди. Узоқ-узоқлардан боқсангиз ҳам ушбу шуълага кўзингиз тушади, гўё осмондаги порлоқ юлдузни эслатади. Ҳа, бу — Узбекистон юлдузи. У ҳеч вақт сўнмасин. Ҳамиша нур тараётиб турверсин. Унинг шуъласидан баҳраманд бўлмаган бирор бир ўзбек хонадони қолмасин!

Саҳифани «Ишонч»нинг мухбирлари А. САМАРИДДИНОВ, Н. АЛМУРОДОВлар тайёрлади

Экологик хавф — остонамизда!

УМИДЛИ ДУНЁ

2. ТОЗА СУВ — ЖОНГА ДАРМОН, ИФЛОСИ — ЁВДАЙ ЁМОН

(Боши 1-бетда)

баларига қўшилиб кетадиган оқиндилар — ҳаммаҳаммаси пировард натижада улкан сув ҳавзаларига келиб қўшилиб, уларни булғаши жиддий экологик хавфни вужудга келтирди Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёлар оқиб ўтадиган масканларда, айниқса уларнинг қуйилиш жойларида экология-гигиена ва санитария-эпидемиология вазиятини ёмонлаштирди.

Ер ва сувдан нооқилона фойдаланиш шунга олиб келдики, айрим жойларда тупроқнинг шўрланиш жараёни кучайиб кетди, суғориш технологиясининг бузилиши натижасида ботқоқликлар кўпая бошлади. Кейинги 15 йил давомида Амударёнинг қуйи қисмида сувнинг мавсумий шўрланиши 2-4 маротаба ортиб, бир литр сувда туз миқдори 2,1-2,2 миллиграммни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, 3 миллиграммга етса, бундай сувдан ирригацияда фойдаланиш хавфли бўлиб қолади.

Амударё ва Сирдарё сувларининг минераллашув даражаси кейинги йилларда кўтарилиб кетиши натижасида оқим билан Орол денгизга келувчи туз миқдори тобора кўпайиб борди. Масалан, 1985-1987 йилларда денгизга тушган туз тахминан 20-25 млн. тоннани ташкил этган бўлса, дарёлар, сув ҳажмининг кўпчилик қисми экинзорларни суғориш учун олиб қолиниши оқибатида гарчанд денгизга бориб тушадиган бу туз миқдори камайган бўлса-да, аслида улар ирригация шаҳобчаларида чўкиб қолиб ер структурасини бузмоқда. Вақтлар ўтиши билан ёғингарчиликлар — қор ва ёмғир таъсири остида бу қолдиқ тузлар аста-секин эриб, коллектор-дренаж тармоқларига оқиб тушмоқда ёки ерости сувларига қўшилиб, уларнинг сифатини янада булғамоқда. Биз биринчи мақолада келтирилган мисолимиз — Хоразм ва Қорақалпоғистондаги илгари чучук булғаш қудуқ сувларининг кейинчалик айниганлиги ана шунинг оқибатидир.

Сувнинг ёмонлашуви нафақат тупроқнинг шўрланиши ёки пестицидларнинг кўп қўлланилиши сабаб бўлиб қолмай, унинг ҳолати аҳолининг санитария-гигиена маданияти савияси қай даражада эканлигига ҳам боғлиқдир. Бу фикримизга мақолани бошида қисман далиллар келтирган бўлсак-да, уни янги мисоллар билан тўлдирсак, бойитсак, фойдадан холи бўлмас, деб ўйлаймиз.

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳри ҳудудининг 30,6 фоизда канализациядан фойдаланилади. Шаҳар рельефининг текислиги коммунал хизматнинг бу турини ривожлантиришга асосий тўсиқлардан бири бўлаяпти. Аҳолининг кўпчилик қисми эски усулда қурилган ҳожатхоналардан фойдаланади. Тўғри, илгарилари ҳам худди шундай бадраплардан фойдаланилгану, лекин ерости сувлари анча пастда бўлганлиги учун уларнинг кишилар ҳаётига хавфли таъсири сезилмаган. Энди эса... ҳаммаси аксинча, ерости сувлари кейинги йилларда жуда юза жойлашганлиги сабабли ҳалиги жойлардан инфекцияларнинг кенг тарқалиши осонлашди.

Ўзбекистоннинг Оролбуйи минтақасида канализация чиқиндиларини қайта ишловчи анчагина объектлар мавжуд бўлиб, шулардан 27 таси саноат корхоналарига қарашлидир. Улардан 10 таси чиқиндиларга механик ишлов берса, 17 таси биологик усулда ишлов беради. Аммо эҳтиёт қисмлар етишмаслиги туфайли уларнинг кўпчилиги ишламайди.

Хоразм вилояти республикамизнинг аҳоли энг зич жойлашган ўлкаларидан бўлиб, ҳозир бу ерда 1,2 миллиондан ортиқ киши яшайди, ҳар бир квадрат километрга 197 киши тўғри келади. Ваҳоланки, мамлакат бўйича бу кўрсаткич 49 кишини ташкил этади. Бу ерда ҳам аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш масаласи анча ўткир муаммо бўлиб турибди. Орол денгизининг суви камайган сари Туямўйин сув омборининг таъсири остида ерости сувлари юқорига кўтарилиб бормоқда, натижада ерларнинг ботқоқланиш ва шўрланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш меъёри йилига жон бошига 200-400 литр бўлгани ҳолда ҳозир аслида 100 литрдан ошмаяпти. Аммо мана шу сувни ҳам том маънодаги тоза сув деб бўлмайди. Уларнинг сифати лабораторияларда таҳлил қилинганда, санитария-кимёвий-бактериологик талабларга тўла-тўкис жавоб бера олмаслиги маълум бўлмоқда.

Хўш, пойтахтимиз Тошкентнинг тоза ичимлик сув билан таъминланиш аҳволи қандай?

Шаҳарни ичимлик сув билан таъминловчи олтита мустақил сув манбалари мавжуд бўлиб, улар аҳолининг эҳтиёжини тўла қондириб келмоқда. Шуни тан олиш керакки, Тошкент тоза ичимлик сув билан таъминланиш борасида мамлакат шаҳарлари орасида олдинги ўринда туради.

Лекин «олдингдан оққан сувнинг қадри бўлмайди», деганларидек, пойтахт аҳолиси баъзан бундан ширин таъмли сувнинг нақадар бебаҳо эканлигини эсдан чиқариб, унинг исроф бўлишига, хонадонларда, жамоат жойларида, кўчаларда бекордан-бекор шовуллаб оқиб ётишига йўл қўймоқда. Айрим вилоятларда тоза ва мазали ичимлик сув тахчил бўлиб турган бир пайтда Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг айрим саноат корхоналарида техник мақсадларга водопровод суви ишлатилаётганини, топ-тоза ичимлик сув увол қилинаётганини кўриб, юрак-бағрингиз эзилиб кетади.

Пойхтахтда қайта қуриш ишлари авж олганлиги натижасида йиллар давомида вужудга келган ирригация шаҳобчалари издан чиққанлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу салбий ҳолат ҳам азиз ва мўътабар ичимлик сувнинг исроф бўлишига олиб келмоқда: ариқлар бузилганлиги, янгилари ўтказилмаганлиги оқибатида аҳолининг бир қисми водопровод сувидан суғориш ишларида фойдаланишга мажбур бўлмоқда.

Деҳқончиликда экинзорларни суғоришда ҳар хил туз ва пестицидлардан холи обиҳаёт зарур бўлганидай, одамларнинг йил-ўн икки ой истеъмол қилишлари учун ҳам экологик тоза сув керак. Таркибида зарарли туз ва пестицид бўлган суғорма сув сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари орқали тирик мавжудот организмига қанчалик зарар келтирса, ифлос ичимлик сув ҳам инсон саломатлигини шунчалик кемирувчи офатдир. Қўшни Тожикистон Республикасида тарқалган ва ҳозир ўша мамлакатда кўпчиликни безовта қилиб, ташвишга солаётган оғир касаллик — қорин тифининг пайдо бўлишига бошқа омиллар қатори қисман ифлос сув ҳам сабабчи бўлганлиги сир эмас.

Суғорадиган сувнинг ҳам, ичиладиган сувнинг ҳам тоза бўлиши инсоннинг узоқ умр кечиришининг асосий гаровларидандир. Шундай экан, тоза сув учун кураш ва уни қўрачигидай асраш инсонни узининг муқаддас вазифаси ва бурчи эканлигини унутмаслигимиз керак.

Абдураим ОТАМЕТОВ,
журналист.

Шифокор минбари

СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Соғлом аёл, соғлом насл тўғрисида ғамхўрлик қилиш ижтимоий аҳамиятга молик бўлган масаладир. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор бериб келаётир.

Маълумки, хотин-қизларнинг асосий қисми меҳнат жараёнида фаол иштирок этади. Бунда ҳар бир киши меҳнат гигиенаси қоидаларига риоя қилиш зарурлигини ҳамиша эсда тутиш керак. Амалдаги қонунга кўра ҳомиладор аёллар шифокорнинг тиббий хулосаси бўйича анча енгилроқ ишга ўтказиб қўйилиши, лекин аввалги маоши сақланиб қолиниши керак. Унга жисмоний, асабий ва руҳий зўриқиш билан боғлиқ бўлган ишлар буюрилмаслиги керак. Шунингдек, заҳарли кимё воситалари, бўёқ моддалари ишлатиш билан боғлиқ бўлган юмушларни бажаришга мажбур қилмаслик зарур. Корхонада ҳомиладорлар учун шундай шароитлар яратилиб берилиши керакки, бу шароит уларнинг соғлигига, қолаверса дунёга келадиган боланинг жисмоний ва руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайдиган бўлсин.

Маълумки, оилада қиз туғилса ота-она масъулияти яна ҳам ортади: ахир яна бир бўлажак она дунёга келди-да. Шунинг учун қиз болани парвариш қилиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор бериш зарур. Болаларни энг кичик пайтидан бошлаб турли касалликлардан асраш лозим.

Шуни эсда тутиш керакки, қиз бола 6-7 ёшга тўлганидан кейин унда жисмоний гормонлар таъсирида жадал ривожланиш бошланиб, дастлаб асаб-эндокрин тизимида кейинчалик эса умуман бутун танада ўзгаришлар содир бўлади. Шундай пайтда қиз боланинг кийимига катта эътибор бериш керак. Тор кийим унинг тос, кўкрак қафасининг нормал ўсишига халал беради. Мактабга борғач партада узоқ вақт нотўғри ўтириши натижасида умуртқа поғонаси қийшиқ ўсиши мумкин.

Ноқулай гигиеник шароитларда ўсган қизлар балоғат даврида турли юқумли касалликларга чалинишга мойил бўладилар, асаблари бузилади, эндокрин, юрак-томир тизимлари нормал фаолият кўрсатмасдан, анемия, невроз, сал нарсага тажанг бўлиш каби ҳолатлар юз беради. Бу ёшдаги қизларга қора қаҳва, аччиқ чой, ҳар хил ширинликларни беришни вақтинчалик чеклаш керак. Қуёш, ҳаво ва тиниқ сув болаларнинг соғлом ўсишига ёрдам беради. Тўғри овқатланиш, спорт билан шуғулланиш ёш боланинг гормоник тарзда ривожланишига кўмаклашади.

Мана, қизингиз гулдек очилиб бўйга етади. Уни энди узатиш хаёлида бўласиз. Бизнинг маслаҳатимиз — бу ишда шошилманг. Қизингиз тақдирини ҳал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашишни унутманг. Ўз фарзандингизнинг соғлиги қандай эканлиги, оёқ бўлиши учун қай даражада тайёр эканлигини сиз билишингиз зарур. Туғма гинекологик ёки ривожланиш даврида юз берган ғалати ҳодисалар турмушда кам учрайди, дейсизми. Бундай ҳолларга кўпинча ота-оналарнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлишади. Бемор болаларнинг, жонсиз чақалоқларнинг туғилиши нафақат туғма иллат, балки гиёҳвандлик моддаларни, баъзи бир дориларни билиб-билмай истеъмол қилиш, ишлаб чиқаришдаги ноқулай шароит, радиация, ичкиликбозлик сабабли содир бўладиган омиллардир.

Акушер-гинеколог аёл кишининг бутун ҳаёти давомида унинг яқин дўст ва маслаҳатчиси бўлиши керак. Унинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, чақалоқни ўстиришда кўмаклашиш — бу шифокор гинекологларнинг асосий вазифасидир. Ҳатто аёл ўзини жуда яхши ҳис қилиб юрган кезида ҳам бир йилда икки маротаба шифокор қабулига кириб туриши шарт.

Олимларимизнинг кўп йиллик кузатишлари шуни кўрсатмоқдаки, хотин-қизларнинг тўнғич фарзанд кўриш учун энг қулай бўлган пайт — бу уларнинг 20-25 ёшга тўлган пайтлари экан. Навбатдаги фарзанд кўриш вақтини тўғри белгилаб бориш ҳар бир хотин-қиз ўз саломатлигига зарар етказмаган ҳолда биологик имкониятларини тўла тиклаб олиши ва анъаналаримизни давом эттириб, бемалол 4-5-6 тагача фарзанд кўришлари мумкин.

Кичик-кичик ирмоқлардан дарёлар пайдо бўлганидек соғлигимизда рўй берадиган ҳар кунги ўзгаришлар қўшилиб, жиддий касалланишни келтириб чиқармаслиги учун ҳар биримиз ўз саломатлигимиз ҳақида ўзимиз, ёш авлоднинг соғлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак. Бунинг учун хотин-қизлар энг аввало ўз соғлиги ҳақида ўйлашлари лозим.

Раҳима ЧЎЛПОНОВА,
Тошкент шаҳар «Саломатлик маркази» шифокори

КАМБОДЖАНИНГ ТИНЧ КУНЛАРИ

Халқаро шарҳ

Жаҳон харитасидан ўрин олган қайноқ нуқталар сони гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб бориши бекарор дунёнинг кундалик хусусиятига айланиб қолди. Заминимизнинг турли чеккаларидаги уруш ва қуролли тўқнашувлар алангаси дунё жамоатчилигини тобора хавотирга солмоқда. Ана шундай хавотирли ҳолат бир неча ой давомида Осиё давлатларидан бири Камбоджада ҳам давом этди. Давом этди, дейишимизнинг сабаби, мухолиф кучлар ўртасида бўлаётган қуролли тўқнашувлар, шу кунларда тўхтаб турибди. Келинг, яхшиси бир бошдан сўзлайлик.

Камбоджанинг тарихи ғоят узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу диёрнинг халқи қадимқадим замонлардан санъатнинг энг нафис турлари, экинтикин ишлари, балиқчилик билан шуғулланиб келади. Камбоджа халқи энг тинчликпарвар ва осойишта миллатлардан бири саналади. Аммо XX асрнинг иккинчи ярми бу халқ учун жуда оғир келди. Мамлакатда тус-тўполонлар, урушлар, тахт талашувлари авжига чиқди. Ҳукумат тепасидаги кишиларнинг ўзаро келишмовчиликлари халқ бошига мусибатлар солди. Мамлакатда очлик, ночорлик, ишсизлик кучайди. 70-йиллар, айниқса, Камбоджа осмонида қора булутлар тўпланган даврдир. Сабаби, шу даврда, аниқроқ айтадиган бўлсак, 1974-1979 йиллар оралиғида бу ерда давлат тепасига «Қизил кхмерлар» номли партия келади. Партия йўлбошчиси Пол Пот Камбоджага мутлақ ҳоким бўлиб олиб, диктаторлик сиёсатини юрита бошлади. Атиги беш йиллик ҳукмронлиги даврида Пол Пот одамларнинг дарё-дарё қонини тўкди, эл ризқини қирқиб ўзининг ва яқинларининг кайф-сафосини кўзлади, мамлакатда демократиянинг ҳар қандай кўринишини доимий тазйиқ остида ушлади, иқтисодий тараққиётга ғоят катта путур етказди. Диктатор Пол Пот ўз ҳукмронлиги йилларида икки миллиондан ортиқ Камбоджа халқини қириб ташлади. Унинг бу жиноятлари ўша йиллардаёқ бутун дунё элларини ғоят ғазаблантирган, уни ҳарбий трибуналга топшириш талаб этилган эди. Аммо Пол Пот одил жазодан ҳамиша қутулиб келарди. 90-йилларда Камбоджада бўлган тарихий ўзгаришлар Пол Потни ҳокимият тепасидан суриб ташлади. Халқ бу золимдан энди қутўлдим, деб енгил тортган эди. Аммо Пол Пот осонликча енгиладиганлардан эмаслигини исботламоқчи бўлди. У ўз атрофига содиқ сафдошлари, бошқача қилиб айтганда, ҳамтовоқларини тўплаб, Камбоджада юзага келган Коалиционал ҳукуматга қарши қуролли мухолиф партияни тузди ва унга «Қизил кхмерлар» номини берди. Мазкур партия ўз олдига мамлакат ҳукуматига ва албатта, халққа қарши террор, зўравонлик, қўпорувчилик фаолиятини олиб боришни мақсад қилиб қўйган эди. Пол Пот ўзининг тахтдан ҳайдалгани аламини шу йўл билан ола бошлади. «Қизил кхмерлар» бундай фаолиятлари оқибатида яна минг-минглаб бегуноҳ кишиларнинг ёстиғини қуритдилар. Пол Потнинг сўнгги вақтдаги ҳаддидан ошишлари эса ҳукуматнинг қаттиқ ғазабига учради. Камбоджа Коалицион партияси раҳбарлари «Қизил кхмерлар»га қарши жиддий чораларни кўра бошладилар. Натижада мамлакат яна уруш олови ичида қолди. Пол Пот тарафдорлари ғоят катта кучни ташкил этган эди. Шунга қарамасдан, «Қизил кхмерлар» жуда қисқа муддат ичида ҳукумат қўшинларидан чекина бошладилар. Халқнинг Пол Потга қарши қўзғолонлари ҳам бу қуролли мухолифатнинг талофат кўришига сабаб бўлди. Ўзбек халқида «Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан даъвога» деган ажойиб мақол бор. Ҳозир Пол Пот жанобларининг ҳаёлидан ана шу ҳикматли сўз ўтаётган бўлса, не ажаб. Чунки, ўтган ҳафтада унинг энг яқин сафдошлари ҳам ўз йўлбошчиларига қарши қўзғолон кўтардилар. Натижада, атиги юзга яқин одами билан яккаланиб қолган собиқ ҳукмдор мамлакат ғарбидаги чангалзорларга қочиб кириб кетди. Бир неча кун давомида чиябўри каби овлоқларда санқиб, очлик ва уйқусизликдан бурнига чертса, йиқилгудек аҳволга тушган Пол Пот ниҳоят қўлга олинди. Уни яна ўз сафдошлари сотдилар. Чангалзорда адашиб-улоқиб, сасиб юргандан кўра, ҳукумат қамоқхонасида тинчгина кун кечиришни афзал билган Пол Пот аскарлари уни ўз қуллари билан тутиб, боғлаб, ҳукумат қўшинларига қўшқўллаб топширдилар. Пол Пот Камбоджа халқига қарши қўйган аскарлар унинг ўз бошига битган бало бўлдилар. Энди Камбоджанинг собиқ диктатори ҳарбий трибунал судига топширилади.

Хуллас, сўзимизнинг бошида айтганимиздек, Камбоджадаги уруш яқун топди. Унда собиқ диктатор Пол Пот устидан мамлакатнинг ҳозирги ҳукумати ғалаба қозонди. Аммо бу билан Камбоджа халқи дарров бахтли ва фаровон ҳаёт кечира бошлайди, деб бўлмайди. Бечора халқ ҳамиша энг оғир вазифаларни зиммасига олиб келган. Эндиликда камбоджаликлар Пол Пот томонидан вайрон қилинган иқтисодиёт ва халқ хўжалигини тиклаш билан шуғулланадилар. Ўз келажагини бунёд этишга киришадилар.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи

Ёз. М. НУРУНБОЕВ фотолавҳаси

Спорт

ФРАНЦИЯ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 1998 йилда Францияда бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берадиган саралаш ўйинларининг кейинги босқичига йўлланмани нақд қилиб қўйишди. Куни кеча ҳамюртларимиз Камбоджада шу мамлакат терма жамоасига қарши тўп суриб, уларни йирик ҳисобда мағлубиятга учратишди. Футболчиларимиз Равшан Бозоров (иккита), Шуҳрат Мақсудов, Жаъфар Ирисметовлар киритган 4 тўпга майдон эгалари бор-йўғи бир тўп билан жавоб қайтаришди. Бу командалар ўртасидаги биринчи ўйин Тошкентда миллий терма жамоамизнинг 6:0 ҳисобидаги йирик ғалабаси билан тугаган эди.

Шундай қилиб Ўзбекистон миллий терма командаси мазкур ўйиндан кейин 13 очко жамғарди ва 13 июлда бўладиган Ўзбекистон-Яман терма жамоалари учрашувидан Яман командаси учун ҳеч қандай умид қолдирмади. Бу ўйин натижаси қандай тугашидан қатъий назар ўзбекистонликлар ўз гуруҳида биринчи ўрин соҳиби бўлиб қолди ва кейинги ўнликлар босқичида иштирок этадиган бўлди.

Шу куни қозоғистонлик футболчилар ҳам ўз майдонларида Ироқ терма жамоаси устидан 3:1 ҳисобида зафар қўлга киритдилар.

Энди Ўзбекистон миллий терма жамоаси кейинги босқич иштирокчилари Саудия Арабистони, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Япония, Жанубий Корея, Қувайт, Эрон, Хитой ва Қозоғистон мамлакатлари терма жамоалари билан шу гуруҳда ҳеч бўлмаганда иккинчи ўринни олиш учун тўп сурадилар.

Доривор ўсимликлар

БОЗУЛБАНГ

Бозулбанг кўп йиллик ўсимлик бўлиб, бўйи 40-60 сантиметрга етади. Пояси тик ўсувчи, тўрт қиррали, туклар билан қопланган. Барги тухумсимон, уч ёки беш бўлакка бўлинган. Май ойидан бошлаб, то кузгача бирин-кетин гуллайди.

Шуниси диққатга сазоворки, бу ўсимлик фақат Ўзбекистонда ўсади. Баъзан Шимолий Тожикистонда ҳам учраб туради. Бозулбанг тоғ ён-бағирларида, ярим чўлларда ўсади. Табобатда унинг барги ва гули қўлланилади. Таркибида лагохилин, ошловчи моддалар, эфир мойи, каротин, С,К дармондорилари, кальций тузлари, органик кислоталар, қандлар бор. Ундаги кальций тузлари, К дармондориси лагохилин таъсирида қон ивишини тезлатишда яхши наф келтиради. Қон босимини пасайтириш хосияти ҳам бор.

Гул ва барглардан тайёрланган дамлама қон тўхтатишда ажойиб малҳам бўла олади. Бу дамлама ички ва ташқи қон оқишларда (жароҳатланганда, бачадон, бавосил, ўпка, бурундан қон кетганда) шу билан бирга жарроҳликда қон оқишининг олдини олишда қўлланилади.

Бозулбангнинг доривор малҳамлари баъзан асаб тизимини тинчлантирувчи омил сифатида, баъзан кўз хасталиги, хусусан глаукомада қўлланилади.

Уй шароитида бозулбанг дамламаси қуйидагича тайёрланади: ўсимликнинг 10 грамм майдаланган гуллари 200 грамм қайноқ сувга солинади. 6-8 соат дамланади. Сўнгра тайёр бўлган дамлама 1 ош қошиқдан кунига 6 марта 50 грамм сувга аралаштириб ичилади. Ташқи қон оқишини тўхтатиш учун ўсимлик дамламаси докага шимдирилиб, 5 дақиқа жароҳатланган жойга қўйилади. Таниқли олим, Ҳамид Холматов маълумотига кўра, бозулбанг ўсимлиги Верлъгоф касаллигини даволашда ҳам ишлатилади.

ҒОЛИБЛАР САЁҲАТГА

Тошкент авиация коллежида Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Улуг шоирнинг сиймоси тасвирланган суратлар, деворий газеталар билан безанган махсус хонага коллеж ўқувчилари тўпландилар.

Кечани очган коллеж раҳбари Ҳабибулла Ғуломов буюк адиб Абдулҳамид Чўлпоннинг орзулари ушалиб халқимиз мана олти йилдирки ҳурлик даврида, эркинлик замонида яшаётганлигини таъкидлади.

Кеча давомида ўқувчилар ўзлари ёдлаган Чўлпон шеърларидан ўқиб беришди, адиб шеърларига басталанган куй-қўшиқларни ижро этишди. Бир гуруҳ фаол ўқувчилар эса Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асари асосида кичик саҳна кўринишини қатнашчиларга ҳадя этишди. Кеча ниҳоясида аввалдан эълон қилинган суратлар ва деворий газеталар бўйича танлов ғолиблари аниқланди. Ғолиблар қадимий Самарқанд шаҳрига бепул саёҳат қилиш йўлланмаси билан тақдирланишди.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА

МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ

Саломатлигингизни асранг (1-7 июль кунлари учун)

1 июль тонгдан то соат 16-17 га қадар бўлган вақт мобайнида Ой Сигир буржи атрофидан ўтади. Шу муддат ичида киши ўз аъзоларига,айниқса, бўйин аъзоларига ва эндокрин тизимига ниҳоятда эътибор бериши керак. Ва албатта, иложи борича мазкур аъзоларни операция қилишни тўхтатиб турмоқ лозим.

1 июль соат 16-17 дан бошлаб 3 июль соат 23 га қадар Ой Эгизаклар буржи ёнида ҳаракатда бўлади. Шу вақт мобайнида кишининг нафас олиш йўлларининг заифлашиши кузатилади. 2 июль соат 10-11 ларда кишилар қон йўллари ва жигарларига эҳтиёт бўлишлари лозим. Негаки ана шу пайтда жигар ва бошқа аъзоларда қон чиқиш хавфи туғилади. Кайфиятнинг бузилиши, асабийлашиш ҳоллари содир бўлиши мумкин. Юрак, ошқозон касали борлар шифокорларга мурожаат қилиб, турли нохушликларнинг олдини олишга эътибор беришлари зарур. Мазкур аъзоларни операциясини иложи борича тўхтатиб турмоқликни тавсия этамиз.

3 июль куни Ой Юпитер сайёрасига яқинлашган чоғда кишидаги рўй бериши мумкин бўлган хасталиклар хавфи чекинади. Жигар, нафас олиш йўллари, асаб ва ошқозон тизими фаолияти яхшиланади.

Ойнинг Эгизаклар буржи ёнидан ўта бошлаганида кишида дўстлик, эҳтиёткорлик ва сўзамоллик хислатлари юзага чиқишига омил бўлади.

3 июль соат 23 дан 6 июль соат 6 га қадар Ой Қисқичбақа буржи ёнидан ўтади. Шу вақт мобайнида томоқ, эндокрин тизимининг заифлашиши кузатилади. Мазкур аъзоларни операция қилиш ва бошқа мураккаб муолажаларни ўтказишни тўхтатиб туришликни тавсия этамиз. Парҳез овқатни кўпроқ ейиш, хонани шамоллатиб, исириқ тутатишни тавсия этамиз.

4 июлда Янги Ой куни бошланади. Шу куни бўлгуси ишлар режасини тузиш мақсадга мувофиқдир. Юракни операция қилдирмаслик лозим, Ойнинг Чўлпон юлдузига яқинлашган чоғида, яъни 6 июль соат 5 лар атрофида ошқозон заифлашиши кузатилади. Бу айниқса, ана шундай хасталиклари бўлганларда кўпроқ ўз аксини топади. Нептун сайёраси ва Тоғ эчкисига юқоридагилар яқинлашган палларда овқатдан заҳарланиш хавфи кучаяди. Мазкур аъзоларни операция қилмаслик керак.

7 июл соат 6 да Ой Арслон буржи ёнида бўлганида ошқозоннинг заифлашиши кузатилади. Юрак, жигарни операция қилмасликни ва иложи борича куч ва ғайратни кўп сарфламасликни тавсия этамиз

Бош муҳаррир: САИДАКРОМ САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИКУЛОВА, Х.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18. Наманганда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Таҳририятимиз манзили: 700165, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 64560; 64561.
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2. ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0458. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21.00. Масъул навбатчи : Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ 123456